АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил
5 ФЕВРАЛ
сешанба
№ 5 (261)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади




*Адлия тизими*

## ЖИЗЗАХ

Вилоят адлия бошқармасида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими ташкил қилинганди. Ушбу бўлим ўтган вақт мобайнида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш бўлими билан биргаликда бир қатор ишларни амалга оширди.

Статистик маълумотларга кўра, вилоятда 2001 йилда 9,504 та ўрта ва кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатиб келди. Бу ўтган йилнинг кўрсаткичларига нисбатан 1,641 тага ошган. Шундан фермер хўжаликлари 5,884 тани ташкил қилиб, шу йилнинг ўзида 1,446 та фермер янгитдан ташкил қилинди. Ёки шу йилнинг ўзида 2,229 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари янгидан ташкил қилинган бўлиб, бу кўрсаткич вилоятда тадбиркорликка оид қонунларнинг ижросига ижобий ёндошилаётганлигидан далолат беради.

Жиззах вилоят адлия бошқармасида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими ташкил этилгандан буён уларнинг фаолияти матбуот органлари ва адлия бошқармасидаги ишонч телефонлари орқали кенг тарғиб қилиниши натижасида ўтган 2001 йил 211 та тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари ўз ҳуқуқлари ҳимоясини сўраб мурожаат қилган. Барча аризалар ижобий ҳал қилинди. Шулардан 74 та ариза юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб қаноатлантирилди, 140 та аризага биноан 73.747.416 сўм ва 413,3 тонна натура шаклида маҳсулотни ундириш ҳақида судларга даъво аризалари киритилган.

Судларга киритилган даъво аризалари бўйича турли ташкилот ва назорат қилувчи органлари мансабдор шахслардан тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб, 27 та 29.206.917 сўмлик моддий зарар ундириш юзасидан даъво аризалари киритилиб суд томонидан даъволар қаноатлантирилган.

Бундан ташқари 19 та 229.000 сўмлик маънавий зарарни ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарорлари чиқарилиб, уларни ундиришга эришилди.

Адлия бошқармаси томонидан тадбиркор манфаатига нисбатан қонун бузилишига йўл қўйган 199 та ташкилот ва хўжалик субъектларга қонунбузилиш ҳолатини бартараф қилиш ва айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан чоралар кўриш учун 182 та тақдимнома ва 46 та огоҳнома киритилган бўлиб, бунга асосан 42 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, тақдимномани муҳокамаси натижасига кўра 7 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган вазифасидан озод қилинган, 29 нафарига нисбатан интизом чоралари қўлланилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йил мобайнида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари Текширишларни рўйхатга олиш китоблари билан таъминланди. Текширишларни рўйхатга олиш китоблари мониторинги вилоятнинг Ғаллаорол, Бахмал, Зомин, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрида тадбиркорлик субъектларини ноқонуний текширишга йўл қўйган ҳолатлар юзасидан тегишли назорат қилувчи ташкилотга нисбатан 12 та тақдимнома киритилиб 1 нафар айбдор шахсга нисбатан "хайфсан" берилган, 11 нафар шахсга нисбатан бошқа интизомий таъсир чоралари қўлланилди.

Адлия бошқармасига 2001 йил давомида 7 та кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидан банк муассасаларидан кредит ва микрокредитлар беришда тўсқинлик қилинаётганлик тўғрисида аризалар келиб тушиб, шулардан 6 та ариза юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 1 та ариза юзасидан қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан огоҳнома киритилди.

2001 йил давомида адлия бошқармаси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бўлими томонидан 135 та 111.838.758 сўмлик ва 613529 кг натурада шартнома шартларини бажармаслик ҳолатлари аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан ширкат хўжалиги, фермер хўжаликлари ва пудратчилар манфаатларини кўзлаб, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида тегишли судларга даъво аризалари киритилиб, ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги ва пудратчилар ҳуқуқлари тикланди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари иккинчи чақириқ 5-сессиясидаги Президент И.Каримов сўзлаган нутқида Пахтакор туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалиги шартномада белгиланган 94 тонна ўсимлик ёғининг атиги 16 тоннасини олиб, қолган қисмини ололмаганлиги ёки шу тумандаги "Ахмат ота" ва "Ғаллакор" фермер хўжаликлари ўсимлик ёғи ва кунжарасини бир килосини ҳам ололмаганлиги хусусида фикр билдирган эди. Ушбу маърузада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Пекинда бўлиб қайтди. Ташриф муҳим санага — мамлакатимиз ва ХХР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кунинг 10 йиллигига бағишланди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳамда агросаноат соҳасига таллуқли раҳбарлари учун ташкил этилган ўн кунлик семинар-мунозара ва ўқув тажриба машғулотлари бошланди.

* * *

**Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

* * *

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг навбатдаги мажлисида республика назорат органлари томонидан 2001 йилда ўтказилган текширишларни мувофиқлаштириш якунлари кўриб чиқилди.

* * *

**Афғонистон ҳудудига тижорат юкларини транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.**

* * *

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Фанлар академиясининг Тарих институти томонидан ўтказилаётган "Ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи" республика семинарининг ўн саккизинчи йиғилиши бўлди.

* * *

**БМТ Бош котиби Кофи Аннан жаҳон давлатлари эътиборини 8-24 феврал кунлари АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказиладиган қишки Олимпиада ўйинларига қаратар экан, Олимпиада бу сулҳ ёки яраш ҳаҳи дегани, олимпиада гулхани ёниб турар экан, замбараклар жим туриши лозим, деди.**

*Таклиф*

## МЕЪЁРИЙ ДАСТУР ЗАРУРАТИ

### У АДВОКАТУРАГА ТАСОДИФАН КИРУВЧИЛАРГА ТЎСИҚ БЎЛАДИ

**Кейинги пайтларда адвокатурага бўлган муносабат тубдан ўзгармокда. Бу — табиий ҳол, албатта. Зеро, адвокатура ҳуқуқий фуқаролик жамиятида демократиянинг муҳим кўриниши ҳисобланади. Қолаверса, адвокат жамиятда қонунчиликнинг умумий ҳолати тўғрисидаги тушунчани вужудга келтирувчи шахсдир. Ҳозир мамлакатимизда адвокатура тизими узлуксиз шаклланиш жараёнини бошдан кечирмокда. Соҳага оид янгидан-янги кўплаб қонунларнинг қабул қилиниши, очилаётган адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюролари, хусусий адвокатлар фаолияти бунга далилдир. Бу каби ўзгаришлар соғлом рақобатни вужудга келтириши билан янада аҳамият касб этади. Бироқ медалнинг икки томони бўлгани каби адвокатурани мўмай пул топиш, бошқа соҳага ўтиб кетиш учун "трамплин" тариқасида танлаганлар ҳам учрайди. Бу эса соҳа обрўсини тўкишга хизмат қилаяпти. Шу боис адвокатлар сафига қабул қилишнинг ўзига хос меъёрий дастурини яратиш зарурати туғилмокда. Бунда адвокатликка номзод шахснинг билими, феъл-атвори батафсил муҳокамадан ўтказилиши, шунингдек, у бир йил мобайнида амалиёт ўташи, унда ўзининг адвокатлик салоҳиятини намойиш этиши шарт. Шундан кейингина у имтиҳон топшириб, адвокат деган шарафли касб эгаси бўла олади. Адвокат фақат оқлаш билан эмас, балки қонунчиликнинг амалдаги иш фаолиятини кўрсатиб турувчи ўзига хос мезон вазифаларини бажаради. Бундан ташқари, адвокат иштироки суриштирувчи, терговчи ва судьяларнинг ўз касбий мажбуриятларига ҳушёр ва талабчан муносабатда бўлишининг омилидир. Шу боис адвокатликни ўзининг тақдири деб билмаган, уни доимий касбий фаолиятига айлантирмаган шахсларни адвокатура соҳасига йўлатмаслик зарур. Зеро, адвокатнинг ўз касбий бурчини амалга оширишда виждон, номус, ҳалоллик каби тушунчалар муҳим аҳамият касб этади. Бу каби фазилатларга эга бўлмаган кимсалар адвокатлик номига фақат доғ туширади, холос.**

**Зайнаб ҲАЛИМОВА,**
**Бухоро шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати**

*Ҳуқуқий маърифат*

## МУЛК ҲУҚУҚИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар қандай иқтисодий тизимда бўлгани каби бозор иқтисодиётида ҳам мулк муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу жараёнда ҳаракатдаги мавжуд мулк шаклларининг бозор талаблари ва уларнинг хусусиятларига мос келиши асосий зарурият сифатида баҳоланади. Шу ўринда бир қанча саволлар туғилиши мумкин. Хусусан, мулк нима, мулкчилик-чи, уларнинг ўртасида қандай боғлиқлик ёхуд фарқлар бор, деган саволлар шулар жумласидандир.

Энди уларнинг жавобига келсак, "мулк" ва "мулкчилик" тушунчалари ўзаро узвий боғлиқ бўлса-да, уларни бир-биридан фарқлаш лозим.

Содда қилиб айтганда, мулкчилик муносабатларининг асосида меники ва ўзганикини фарқлаш ётади. Демак, мулкчилик маълум бир субъектнинг маълум бир объектга нисбатан "хўжайинлик" муносабатини ифодалар экан, бу ўринда унинг шахсий-ижтимоий хусусияти кўзга ташланади. Яъни шахс мазкур неъматга нисбатан ўзини "хўжайин" деб ҳисоблайди, бошқалар эса буни тан олади.

Моддий неъматларни ўзлаштириш ижтимоий ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Шу билан бирга неъматларни ўзлаштириш ишлаб чиқариш муносабатларининг ядросини ташкил этади. Ишлаб чиқариш муносабатлари эса жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг асосидир. Бунда иккинчи бир хусусият — мулкчилик муносабатлари жамият иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этиши ойдинлашади.

Мулкчиликнинг учинчи бир хусусияти ҳам мавжуд бўлиб, уни субъектив-объектив хусусият сифатида эътироф этиш мумкин. Иқтисодий фанлар нуқтаи назаридан қараганда, ишлаб чиқариш ва инсон ҳаётининг моддий шароитлари (ишлаб чиқариш шароитлари ва ишчи кучи), шунингдек, ишлаб чиқариш натижалари (моддий неъматлар ва хизматлар) бу муносабатларнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Айнан мана шу омиллар, яъни мулкчилик муносабатлари қаратилган объектлар "мулк" деб номланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: мулкчилик — бу мулкдорнинг ўз мулкига бўлган муносабати, мулк эса мулкчилик муносабатларининг объектидир.

Энди "мулк ҳуқуқи" ва нодавлат нотижорат ташкилотлар мулкий ҳуқуқлари мазмунига тўхталиб ўтамиз.

Мулк ҳуқуқига дастлабки таъриф Қадимги Рим ҳуқуқида берилган бўлиб, унга асосан мулкчилик деганда шахснинг (мулкдорнинг) мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва ўзи тасарруф этиши билан боғлиқ ҳуқуқларининг мажмуаси тушунилган. Ҳозирги кунда ҳам Қадимги Рим ҳуқуқшунослари томонидан берилган бу тушунча деярли ўзгартиришларсиз қўлланиб келинмокда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 164-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи — шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз ҳоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Мулк ҳуқуқи ўз навбатида икки маънодаги объектив ва субъектив мулк ҳуқуқига бўлинади. Объектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда, табиат ашёларини ижтимоий ўзлаштиришнинг мавжуд заҳиралари ва усулларини белгилаш, тартибга солиш учун халқ манфаатларини ифодаловчи ҳуқуқ меъёрлари йиғиндиси назарда тутилади. Мулк тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ меъёрлари ҳисобланади.

Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда, айрим шахслар, яъни ҳуқуқ субъектларининг объектив ҳуқуқ меъёрлари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари тушунилади. Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқини мулкка эгалик қилиш, мулкдан фойдаланиш, мулкни тасарруф этиш ташкил этади.

Мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туриш мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи демакдир. Мулкни қонунга мувофиқ равишда ўз қўлида ёки ўз эрки, иродаси таъсири остида сақлаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ мулк эгасига тегишли бўлади. Мулкка эгалик қилиш қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин. Қонуний мулкка эгалик қилиш бирор ҳуқуқий асосга таянади. Ноқонуний эгалик қилиш эса ҳуқуқий асосга эга бўлмайди.

Мулкдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкни эгаллаш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки мулкни эгалламасдан олдин ундан фойдаланиб бўлмайди.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи деб мулкнинг ҳуқуқий тақдирини белгилашга, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуққа айтилади. Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириши, шу жумладан, мол-мулкдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиш ёки унга бошқача йўллар билан тасарруф этишга имкон беради. Бу ҳуқуқ қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи ҳам қўлдан кетади.

**Илҳом ЙЎЛДОШЕВ,**
**Қорақалпоғистон**

## СОҒЛИҚ ҲАМ, МУЛК ҲАМ ЗАРАР КЎРМАСИН

Мамлакатимизда атроф-табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза этиш ва унга таъсир қилувчи омилларни йўқотиш табиий объектлардан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича конституциявий тамойилларга асосланган кўплаб меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиб, амалиётга жорий этилмокда.

Ҳозирда яна бир янги "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси кенг микёсда жамоатчилик орасида муҳокама қилинаяпди. Мазкур қонун атроф-муҳит фоқаролар ҳаёти соғлиғи, мол-мулкига чиқиндиларнинг зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш борасидаги муносабатларни ўзида мужассамлаштирган.

Қўйида ушбу қонун лойиҳасига оид айрим таклифларни билдирмоқчиман. Хусусан, лойиҳанинг 3-моддаси, 2-3 қисмларида "утилизация" ва "хомаки маҳсулотлар" деган тушунчалар истифода этилган. Бизнингча, ушбу тушунчаларнинг аниқ луғавий маъноси ёхуд изоҳи қўлланилса, мавҳумлик бартараф этилади.

Лойиҳанинг 1-моддаси 2- қисми "Ушбу қонуннинг асосий вазифалари чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилишда зарарли таъсирнинг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва улардан хўжалик фаолиятда оқилона фойдаланишини таъминлашдан иборат" деб эътироф этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу моддага "мол-мулкига" деган тушунчанинг киритилишига асос шуки, ҳар қандай мол-мулк конституцияга мувофиқ муҳофаза этилади. Бу ҳол "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунда ҳам ўз аксини топиши зарур. Ана шундагина фуқароларнинг мол-мулки чиқинди таъсирида зарар кўрмаслиги таъминланади ва муҳофаза этилади.

**Олим НАРЗУЛЛАЕВ,**
**тадқиқотчи**

## ГИЁҲВАНДЛИК — ХАВФЛИ ИЛЛАТ

Гиёҳвандликка қарши кураш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. БМТнинг маълумотларига қараганда, дунёда ҳозир 8 млн. киши героин, 191,2 млн.киши эса турли хил гиёҳванд моддаларни истеъмол қилади. Бунинг оқибатида 20 минг киши заҳарланган. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатларда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ бўлган жиноятлар кўпаймокда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маърузасида (1993 йил 28 сентябрь) бу масалага барчанинг эътиборини қаратиб, *"Биринчи навбатдаги муаммолар орасида наркобизнесга қарши қаратилган умумий саъй-ҳаракатларни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни истардим. Биз ана шу иллатга қарши курашда кенг кўламда ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган наркотик моддаларнинг талайгина қисми Марказий Осиёда тайёрланаётганлиги ёки унинг орқали ташиб ўтилаётганлиги сир эмас. Наркобизнеснинг транзит йўналишлари бир минтақада жамланишининг ўзиёқ мана шу даҳшатли ҳодисани тугатишда жаҳон ҳамжамияти ўз имкониятларини жамлаб ишга солиши учун етарли асос бўлади. Узбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр"*, деб таъкидлаган эди. Юртбошимизнинг ушбу таклифи тўла қўллаб-қувватланди. Ҳозирги пайтда Тошкентда БМТ Гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси фаолият кўрсатмокда.

Республикамиз ушбу муаммонинг халқаро микёсда ҳал этилиши жараёнида фаол иштирок этмокда. Мамлакатимиз БМТнинг 1961, 1971 ва 1988 йилларда қабул қилган Конвенцияларига 1995 йилда қўшилди. Айни пайтда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатлари билан гиёҳванд моддаларни тарқатишга қарши кураш масалаларида ҳамкорлик қилиш бўйича идоралар ва ҳукуматлараро битимлар имзоланган. Жумладан, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Молдава, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон давлатлари билан икки томонлама ҳамда АҚШ, Туркия, Покистон давлатлари билан ҳукуматлараро битимлар тузилган.

1999 йилнинг 19 августида *"Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"*ги Қонун қабул қилинди. Президентимизнинг 2000 йил 14 июлдаги *"Республикада гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги Фармони эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш ахборот-таҳлил миллий марказий тузилди.

Гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш, улар билан савдо қилиш ва уларни истеъмол қилиш тобора кенг тус олмокдаки, биз бу ижтимоий иллатга қарши курашни янада кучайтирмоғимиз керак. Аввало, ушбу жиноий бизнес катта бойлик орттириш имконини беради. Шу боис унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва миллий қонунчилик мажмуи билан тартибга солиш осон кечмайди. Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 1999-2000 йилларда гиёҳванд моддаларни тайёрлаш, сотиш, сақлаш, олиб юриш билан боғлиқ жиноятлар 17,9 фоизга ўсган бўлса, 2001 йилда эса бу жиноятлар 9,4 фоизга камайган.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш, сотиш ва жиноий ишларга қарши кураш юзасидан миллий қонунчилик мужмуи ишлаб чиқилган.

Жиноят Кодексининг XIX боби, аниқроқ қилиб айтганда, 270, 271, 273, 274, 275, 276 - моддалари бевосита гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар мажмуига бағишланган. Жумладан, ЖКПнинг 270-моддасида тақиқланган экинларни етиштириш; 271-моддасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш; 273-моддасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш; 274-моддасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш; 275-моддасида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш; 276-моддасида эса гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласи қайд қилинган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш билан боғлиқ жиноятларни таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда ушбу жиноятга вояга етмаганлар кўпроқ жалб қилинмокда. Вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан кучли таъсир этувчи ва заҳарли моддаларни тайёрлаш, сотиш ҳоллари билан бирга талончилик, ўғирлик, номусга тегиш каби жиноятларга қўл урилмокда.

Кузатишларимиз шундан далолат берадики, жойларда вояга етмаганлар ўртасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи, олишсотиш билан шуғулланувчи ёшларни аниқлаш, уларга тарбиявий таъсир ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар кутилган натижаларни бера олганича йўқ. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан асосий мақсад мўмай пул орттиришдир. Суд амалиётини ўрганиш жараёни ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди. Хўш, бу иллатга қарши қандай курашмоқ керак деган ҳақли саволнинг туғилиши табиий.

Гап шундаки, мамлакатимизда бундай салбий ҳолатларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий меъёрлар яратилган бўлса-да, уларнинг ижроси ҳали замон талаблари даражасида дея олмаймиз.

Бизнингча, гиёвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш ишларини янада яхшилаш учун аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг гиёҳвандликка қарши фаолиятини жонлантириш ҳамда халқаро ташкилотларнинг жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини ўрганиш ва улар билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Бугун бўлиб ўтадиган "Гиёҳвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ишида ҳам бу борадаги энг долзарб муаммолар муҳокама этилади.

**Фарҳод ТОҲИРОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

## ХЎЖАЛИК ШАРТНОМА ТУЗДИ, АММО...

Конимех туманидаги "Абай" қорақўлчилик ширкат хўжалиги 2001 йилда чорвачиликдан олинадиган маҳсулотлари режасини ошириб бажарди. Ҳатто йилни 200 млн. сўм соф фойда билан якунлади.

Аммо шундай йирик иқтисодий натижа кўрсатган хўжаликда ҳам муаммо пайдо бўлди. Чўпон-чўлиқларнинг қозонидаги масалликка шерик бўлиб, ҳақини "туя" қилишга уриниш ҳолати юз берди. Йил бошида "Бухоро қоракўл" ҳиссадорлик жамияти билан тузилган шартномага асосан хўжалик 75 млн. сўмлик қоракўл тери етказиб бериш, корхона эса тери қийматини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олди. Бироқ шартнома шартлари тўлиқ бажарилмади. Шу сабабли хўжаликка Навоий вилоят адлия бошқармаси ёрдамга келди ва "Бухоро қоракўл" ҳиссадорлик жамияти устидан Бухоро вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суд жараёнида томонларнинг иши ўрганилиб чиқилди. Шартномада белгиланганидек, жавобгар шартнома имзоланганидан кейин бир ой ичида маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида бўнак тўлаш мажбуриятини олган. Бу 18 млн. 750 минг сўмни ташкил этади. Лекин жавобгар иши судда кўрилгунга қадар бор-йўғи 5 млн. 40 минг сўм бўнак тўлаган холос. 13 млн. 710 минг сўмлик бўнак эса тўланмай қолган. Суд даъвогарнинг 13 млн. 710 минг сўмлик бўнак ва ушбу бўнак ўз вақтида тўланмаганлиги учун 263 минг 232 сўм устама ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Шундай қилиб, пуллар хўжаликка қайтарилди.

Худди шундай ҳол мазкур тумандаги "Сарибел" қоракўлчилик ширкат хўжалигида ҳам содир этилди. "Сарибел" ширкат хўжалиги билан "Бухоро қоракўл" ҳиссадорлик жамияти ўртасида 2001 йил 19 январ куни 78-сонли шартнома тузилган. Шартномага кўра, ҳиссадорлик жамияти хўжаликка 25 фоиз миқдорида аванс ўтказиши, даъвогар эса жавобгар учун 62 млн. 211 минг 500 сўмлик 9571 дона қоракўл тери етказиб бериши лозим эди. Жавобгар томонидан аванс пули тўлиқ ўтказилмаганлиги сабабли Навоий вилоят адлия бошқармаси хўжалик манфаатини кўзлаб, Бухоро вилояти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар хўжалик бош ҳисобчиси С.Қарсақбоев, зоотехник А.Тимубоев ва Навоий вилоят адлия бошқармаси вакили И.Акатовлар даъвони қаноатлантиришни сўрадилар. Суд жавобгардан "Сарибел" қоракўлчилик ширкат хўжалигига 11 млн. 724 минг 475 сўм аванс, 1 млн. 758 минг 671 сўм жарима маблағини ундириб бериш тўғрисида ҳал қилувчи қарорини чиқарди. Корхона томонидан хўжаликка пуллар тўланди.

Ана шундай муаммоли масалалар Нурота туманидаги Шароф Рашидов ва Файзулла Хўжаев номидаги ширкат хўжаликларида ҳам бўлиб ўтди. Вилоят адлия бошқармаси уларга ҳам адолатли кўмак берди.

"Бухоро қоракўл" ҳиссадорлик жамияти ўша хўжаликлар билан 2002 йилда ҳам шартнома асосида ҳамкорлик қилмокда. Ўйлаймизки, жорий йилда ўтган йилгидек ҳолатлар юзага келмайди. Ҳар ҳолда ширкат хўжаликлари "ҳассасини" иккинчи бора йўқотмас... Бу эса "Бухоро қоракўл" ҳиссадорлик жамиятининг ҳаракатига боғлиқдир.

**Ёрқул УМАРОВ,**
**журналист**

*Адлия тизими*

## ЖИЗЗАХ

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси таркибига кирувчи пахта тозалаш корхоналарида шартнома интизомига риоя қилишнинг аҳволи ўрганилганида вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасига қарашли туман пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари шартномага асосан берилиши лозим бўлган 9,812 млн сўмлик (50%) аванс пулидан 1 млрд сўми 2001 йил 5 сентябр кунига қадар тўланмаганлиги ёки шу тайёрлов ташкилотларининг ўз вақтида шартномаларни тузмаганликлари оқибатида 10 млн.сўм аванс пуллари қайтариб юборилганлиги аниқланди.

Туманлардаги пахта тозалаш акциядорлик жамиятларининг айби билан 2000 йил пахта ҳосилидан хўжаликлар ва фермер хўжаликларига берлиш лозим бўлган 800 тонна чигит ҳам 2001 йилнинг сентябр ойига қадар ёғ заводларига етказиб берилмаган. Вилоят бўйича 10 млн. сўм муддати ўтган дебиторлик ва 75 млн. сўм кредиторлик қарзлари бўлишига қарамасдан жамиятнинг тегишли маъсул раҳбарлари томонидан ҳеч қандай чоралар кўрилмаган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан қайд этилган ушбу қонун бузилишларини бартараф этиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш учун вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси раҳбариятига тақдимнома киритилди ва вилоят "Пахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги тайёрлов ташкилотларига 174 та 228 млн. сўмлик маҳсулот ҳақини тўлаб бериш ва маҳсулотни етказиб бериш юзасидан талабномалар киритилди ҳамда 42 нафар тадбиркорнинг манфаатини ҳимоя қилиб судларга даъво аризалари киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Вилоят адлия бошқармасидан томонидан "Жиззахдонмаҳсулот" ишлаб чиқариш акционерлик уюшмасига қарашли туманлардаги дон қабул қилиш корхоналарида ҳам шартнома мажбуриятларнинг аҳволи ўрганилиб, кўплаб қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Шартнома интизомининг кўпол бузилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида барча туман дон қабул қилиш корхоналари ва вилоят уюшмаси раҳбарияти номига тегишли тақдимномалар киритилди. Шунингдек, дон қабул қилиш корхоналари томонидан 2001 йил октябр ойига қадар тўланмасдан келинган 790 млн. сўмлик маҳсулот пулини тўлаб бериш ҳақида талабномалар ва шартнома шартларини бузилишига йўл қўйиб хўжалик субъектлари манфаатларига жиддий зиён келтиришга сабабчи бўлган 2 та дон қабул қилиш корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатиш ҳақида тақдимномалар киритилди.

*Муаззам қадамжолар*

# ҚОНУНЛАРГА АМАЛ ҚИЛСАНГИЗ, ПАНД ЕМАЙСИЗ

***Хўжалик судларида тадбиркорларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Тошкент шаҳар хўжалик судининг раиси Фозилжон Отахонов шу хусусда мулоҳаза юритади.***

Хўжалик судлари тадбиркорлар ва юридик шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатига дахлдор масалаларни кўриб чиқишнинг ишончли тизимига айланиб бормоқда. 2001 йилда Тошкен шаҳар хўжалик судига жами 15 564 та хат-хабар келиб тушди.

Шундан 9,5 мингга яқини тадбиркорлар ва юридик шахсларга тегишли. 9 мингтаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, 357 таси ажрим билан даъвогарларга қайтарилди ёхуд уларни қабул қилиш рад этилди.

Хўжалик суди томонидан даъво аризаларининг қайтарилишига кўпчилик ҳолларда даъвогарларнинг қонун ҳужжатларини яхши билмасликлари, ҳужжатларни расмийлаштиришга лоқайдлик билан муносабатда бўлиши, юридик хизматнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, ҳаттоки, умуман ҳуқуқий маслаҳатчининг йўқлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

2001 йилда қайтарилган даъво аризалари сони 2000 йилдагига қараганда 661 тадан 241 тага, яъни 74 фоизга камайди.

2001 йил давомида хўжалик судида 9.132 та даъво аризаси ва аризалар мазмунан кўриб ҳал этилди. Мазкур ишлар юзасидан даъвогарлар ўз фойдасига 44 млрд. сўмдан кўпроқ қарзларини ундириб беришни сўраган. Суд эса бу хўжалик ишлари бўйича улар фойдасига жавобгарлардан 32 млрд. сўмдан кўпроқ кредиторлик қарзларини ундириб берди.

Хўш, судга берилаётган даъво аризаларининг моҳияти нималардан иборат? Тошкент шаҳар хўжалик судида кўриб чиқилган ишларнинг 4 мингга яқини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан, 5 мингга яқини маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолардан, 400 дан зиёди эса банкротлик тўғрисидаги низолардан иборат.

Аксарият кўрилаётган низолар шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлмоқда. Масалан, суд томонидан маҳсулот етказиб бериш шартномасига оид кўрилган 1874 та иш юзасидан 9 млрд. сўмдан ортиқ, пудрат шартномасига оид кўрилган 291 та иш юзасидан 2 млрд. сўмдан ортиқ, олиш-сотиш шартномасига оид кўрилган 128 та иш юзасидан 638 млн. сўмдан ортиқ дебиторлик қарзлари ундириб берилди. Энг кўп низолар маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқдир. Айниқса, пахтани хорижга марказлаштирилган тартибда етказиб бериш билан боғлиқ низолар анча кўп. Бундай туркумдаги низоларга чек қўйиш учун пахта маҳсулотини жойларнинг ўзида қабул қилиб, олиб кетиш тартиби шартномага киритилса, муаммонинг ечими топилган бўларди. Шу ҳақда "Ўзпахтасаноатсотиш" уюшмасига бир неча бор тақдимномалар киритдик.

Пудрат шартномаси бўйича низоларни кўришда ҳам муаммолар туғилмоқда. Жумладан, бажарилган ишни топириш-қабул қилиш далолатномасига бир тараф имзо чекишдан бош тортган бўлади, судга мурожаат қилинган пайтда объектда қурилиш ишлари амалга оширилаётган бўлиб, иш ҳажмини аниқлаш учун экспертиза тайинлаш имконияти бўлмайди. Шунингдек, кўпинча ишда жавобгар бўлиб қатнашаётган пудратчи ташкилотлар бюджет буюртмаси асосида иш бажарганлигини, иш ҳажми тўлиқ топширилса-да, бюджетдан пул маблағини ололмай, субпудратчи ташкилотлар олдидаги қарзларини уза олмаётганлигидан норози бўлишади. Натижада тўлов интизоми талаблари бузилмоқда.

Хўжалик ишлари билан бевосита боғлиқ бўлган Фармонлар, қарорлар ижроси қандай бажарилмоқда, деган савол ҳам туғилади.

Шаҳар хўжалик суди томонидан давлат солиқ инспекцияларининг 1 700 га яқин аризалари кўриб чиқилиб, улардан 1,5 мингтаси бўйича 14 млрд. сўмдан зиёд пул маблағларига солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни ундириш тўғрисида суд ҳужжатлари юборилди.

2001 йилда кўрилган 412 та банкротликка оид ишлар бўйича 390 та корхона банкрот, деб эътироф этилган. Уларнинг 296 таси, яъни 76 фоизи тўлиқ тугатилиб, давлат рўйхатидан ўчирилган. Лекин корхона банкрот деб топилганидан сўнг уни тугатиш ишлари кўнгилдагидек амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Баъзида мол-мулки мавжуд бўлмаган корхоналарни ҳам тугатиш жараёни асоссиз равишда 4, 5 ойга чўзилиб кетмоқда.

Бу масала юзасидан айниқса солиқ идоралари ва банкротлик бошқармасининг масъулиятини ошириш талаб қилинади, деб ўйлайман ва жорий йилда биз бунга катта эътибор беришимиз керак.

Яна бир муаммо шундан иборатки, судьяларимиз банкрот бўлган корхоналарни тугатиш ҳисоботини тасдиқлаётганида, ушбу корхоналар катта миқдордаги кредиторлик қарзларининг қопланмай қолиш сабабларини аниқлаб, натижаси тўғрисида хўжалик судига хабар бериш ҳақида шаҳар прокуратурасига хабарномалар юборишмоқда. Аммо бу хабарномалар ижросиз қолиб кетмоқда ва уларнинг кўпига жавоб олинмаяпти ҳам.

Оқибатда банкрот бўлган корхоналарнинг катта миқдордаги қарзлари қопланмасдан, унинг масъул ходимлари жавобгарликдан қутулиб қолмоқда.

Туман ҳокимликлари ва Адлия вазирлиги томонидан тақдим қилинган 6 ойдан ортиқ фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тугатиш ҳақидаги аризалар бўйича 3 мингга яқин иш кўрилиб, хўжалик суди томонидан уларнинг 99 фоизида аризадаги талаб қаноатлантирилди.

Корхоналарни тугатиш бўйича туман ҳокимиятларидаги комиссияларнинг эътироз билдиришича, кредиторлар ва дебиторларни топиб, аниқлаш қийин бўлаётганлиги боис, кредиторлик ва дебиторлик қарзи мавжуд бўлган корхоналарни тугатиш масаласи бироз қийинчилик туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги "Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, даъвогарлар 397 та иш бўйича 6,5 млрд. сўмга яқин қарз маблағларини суд ижрочилари ёрдамида жавобгарлар мол-мулкидан мажбурий ундиришни сўраб хўжалик судига мурожаат қилишган. Шундан улар фойдасига 315 та иш юзасидан 6 млрд. сўмдан зиёдроқ маблағ ундириб берилган.

2001 йилда хўжалик судида кўрилган ишлар бўйича давлат бюджетига 340,5 млн. сўмдан ортиқ давлат божи ундирилган. Жами ундирилган давлат божи 2000 йилдагига қараганда 70 фоизга ошган.

Кўпинча корхоналарнинг ночор аҳволга тушиб қолишида ўз ишига совуққонлик билан қарайдиган раҳбарнинг ҳам айби бўлади. Ана шундай ҳолатлар ҳам судда кўриб чиқилмоқда.

Ҳисобот даврида кўрилган ишлар бўйича қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 15 та жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишларидан ташқари, 164 нафар корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилари маъмурий жавобгарликка, 61 нафари моддий жавобгарликка, 77 нафари эса интизомий жавобгарликка тортилди. Жами 317 та суд ҳужжатлари чиқарилди. Ундан ташқари, қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида тегишли идораларга 96 та хусусий ажрим ва хабарномалар юборилди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган 2001 йил самарали бўлди. Судимиз жамоаси бундан буён ҳам одил судловни амалга ошириш, Ватанимиз равнақи, қонунчиликни ҳаётга оғишмай татбиқ этиш йўлида куч-қуввати, меҳнати, билими ва тажрибасини аямайди.

# ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тузуми ва иқтисодий негизи Конституциямизда ўзининг теран аксини топган. Бундан кўзланган мақсад эса жамиятни чинакам қонуний асосда қуриш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини тўла таъминлаш, қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишдан иборатдир.

Юртимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари кенг ривожланиб бораётган бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти ривожланишини таъминлаш ва унинг олдидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида тадбиркорликнинг конституциявий асосларини тўғри тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Бош Қомусимизнинг 53-моддасида: "Бозор иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди", — деб қўйилган. Бу ҳар бир фуқаро хусусий мулк эгаси бўлиши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлигини кафолатлайди. "Шунингдек, мазкур моддада хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясида деб белгиланганлиги тадбиркорларнинг давлатдан мулкий мустақиллигининг муҳим конституциявий кафолат сифатида хизмат қилади.

Конституциямизнинг 54-моддасида эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши мумкинлиги, 19-моддада эса фуқаролар ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ эканлиги қайд этилган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, давлат ва тадбиркорларнинг муносабати тенглик асосида ташкил қилинган бўлиб, улар ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Тадбиркорлик фаолиятининг Конституциявий асосларини таҳлил қилиб чиқар эканмиз, аввало, ҳар бир тадбиркор давлатимиз фуқароси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун тадбиркорликнинг конституциявий кафолатлари кўпгина ҳолларда тадбиркорларга ҳам, бошқа барча фуқароларга ҳам тегишли эканлиги белгиланган. Шуни инобатга олсак, конституциямизнинг деярли барча бобларида тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ моддалар мавжудлигини кўрамиз. Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахслизлиги, улардан суд қарорсиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги (19-модда), давлатнинг фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши (22-модда), ҳар бир шахснинг ваколатли давлат органларига, муассаса ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи (35-модда), давлатнинг фуқароларни Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши (43-модда), ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши (44-модда), фуқаролар фақат қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлаши (51-модда), қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шарти эканлиги (83-модда), Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва солиқлар жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақли эканлиги (123-модда). Асосий Қонунимизда мустаҳкамланиши бевосита тадбиркорлар фаолиятига ҳам дахлдордир.

Шунингдек, Бош Қомусимизнинг 29-моддасида ҳар кимнинг ўзи истаган ахборотни излаш ва олиш ҳуқуқи мустаҳкамланганлиги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ушбу ҳуқуқлар воситасида тадбиркорлар ўзаро хўжалик муносабатларига киришмоқчи бўлган бошқа тадбиркорлар ҳақида холис маълумотлар олиши мумкин. Бу эса ўз навбатида уларнинг ҳар хил ёлғон рекламалари орқали алданиб қолиши хавфининг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уюшиш ҳуқуқининг Конституциямизнинг 34-моддасида белгиланиши, тадбиркорларнинг ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий уюшмаларга (кооперативлар, жамиятлар ва бошқалар) бирлашиши ҳуқуқини беради.

Конституциямизнинг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олинганлиги тадбиркорлик фаолияти учун тадбиркорликнинг конституциявий ҳуқуқини бойитади ва халқаро ҳуқуқ қоидалари билан қўшимча равишда кафолатланади. Шунингдек, 23-моддада тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ таъминланиши мамлакатимизга чет эл инвестициялари киритилишининг кафолати ҳисобланади. ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат монополиясига киритилмаганлиги эса тадбиркорлар учун хорижий ҳамкорлар билан эркин муносабат ўрнатиш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз Конституциясида тадбиркорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун тўлиқ имконият, қулай шарт-шароит ва ҳуқуқий муҳит яратилган.

**Ғофиржон АЛИЕВ,**
**тадқиқотчи**

*Ҳуқуқий саводхонлик сари*

# МЕНЕЖМЕНТ НАЗАРИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аввало, "менежмент" атамаси кўп миқдорда талқинга эга эканлигидан фикримизни бошлаймиз. Чунончи, инглиз тилининг оксфорд луғатида улар иккита: 1) бошқарув ҳокимияти ва санъати; 2) ташкилот ресурсларини бошқарув бўйича алоҳида моҳирлик ва маъмурий кўникмалари, дея ифодаланади. Илмий атамашуносликда менежмент деганда одатда шундай ижтимоий-иқтисодий жараён тушунилади, унинг воситасида ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун фирма ресурсларига раҳбарлик қилиш амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, "менежмент" — "бошқарув"га қараганда анча тор тушунча. Мисол учун, машина, дастгоҳ, технологик линияларни бошқариш мумкин, бу муҳандис ва технологларнинг вазифасига киради. Менежмент эса айни фирманинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларини бошқаришни англатади.

Илмий фан сифатида менежмент XIX асрнинг биринчи ярмида — капитализм туғилиши билан пайдо бўлди. Ўша вақтда у жўнгина бўлиб, асосий тавсифи ҳарбий нусха бўйича барпо этилган ташкилот тузилмаси эди. Дастлабки менежерлар армия интизоми — жазо билан қўрқитиш, ҳар қандай буйруқ ва фармонларга сўзсиз итоат этиш усулларини қўлланганлар. Бундай бошқарувга меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, улардан иложи борича кўпроқ қўшимча қийматни ундиришнинг ғоятда самарали усули сифатида қаралган.

Кейинчалик илмий менежмент деб ном олган дастлабки мумтоз менежмент мактабининг шаклланиши XX аср бошларига оиддир. Бу мактаб сарчашмаларида америкалик муҳандис ва ихтирочи Ф.Тейлор турган эди. Унинг назарияси кейинроқ "тейлоризм" деган ном олди. Унинг асосий йўналиши ёлланма ишчилар меҳнатининг унумдорлигини оширишда ғоятда самарадор ва мақбул усулларини излашдир. Асосий қоидалари эса қуйидагилардан иборат, барча: меҳнат операциялари уларнинг миқдори ва кетма-кетлиги аниқ-пухта ихтисослаштирилиши ва қатъий вақт ораликларида тақсимланиши керак; ҳар бир меҳнат операцияси ва ҳаракати пухта ишлаб чиқарилган қоидалар ҳамда меъёрларга бўйсундирилиши, юқоридан белгилаб берилган иш усул ва қоидаларини бажариш доимий талабчан назоратда амалга оширилиши керак. Қисқаси, ишчидан бошлиқларнинг барча буйруқларини ҳеч қандай мулоҳаза юритмасдан аниқ ҳамда тез бажариш талаб қилинарди.

Шундай қилиб, бошқарувнинг ноиндустрия усулларидан илмий менежментга ўтишни тавсифлар эканмиз, шуни айтиш мумкинки, аслида шакл алмашди холос: меҳнатга жисмонан мажбурлаш асос бўлган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг тарқоқ, тартиблаштирилмаган усуллари ёлланма ишчи — фикрсиз робот ўрнида чиқадиган яхлит концепция ўсиб чиқди.

Бундай бошқарувга акс ҳаракат сифатида АҚШда 20-30-йиллар чегарасида "тейлоризм"га қандайдир даражада қарши турувчи янги — инсоний муносабатлар назарияси пайдо бўлди. Бунга америкалик жамиятшунос ва руҳиятшунос Э.Мейс асос солди. Бу назариянинг ўзак қоидаси шундай: ташкилот шахсни эзган чоғда унинг самарадор ва натижа келтирувчан бўлиши мушкул, ташкилот шахс ўзини намоён этишини рағбатлантирган чоғда эса унинг янгиланмаслиги ва такомиллашмаслиги қийин. Инсоний муносабатлар нуқтаи назаридан олганда, ишчи — фикрсиз робот эмас, балки обрў-эътиборда, ўз-ўзини ҳурмат қилишда, қадр-қимматини ҳис этиш, бошқа кишилар томонидан маъқулланиш, шахсий мақсадлар ва манфаатларга эришишга интилишда муайян ижтимоий эҳтиёжларга эга бўлган индивиддир. Айни индивидлар компания ва фирмаларнинг манбаи эканлигидан келиб чиқиб, инсоний муносабатлар мактаби бошқарувнинг ташаббускорлигидан, ишчилар билан ҳамкорликда, компанияда "бирдамлик руҳи" ва "муштараклик туйғуси"ни шакллантиришдан фойдаланиш ҳамда уларни рағбатлантиришга асосланган тегишли усулларни ишлаб чиқди.

Инсоний муносабатлар мактабининг атоқли вакили бўлган америкалик олим Д.Мак-Грегор уқтирган эдики, инсон ҳулқ-атворининг икки модели, ходимнинг ўз меҳнатига муносабатининг икки тури мавжуд, менежер улардан фойдаланган ҳолда ишчилар меҳнатини асосланган ғоятда самарадор усулларини белгилаши керак. Биринчи моделга кўра, намунавий ёлланма ходим табиатан ялқов бўлган киши, шу сабабли у топширилган ишдан бўйин товлашга уринади, унда иззатталаблик, масъулиятни сезиш, фаҳм-фаросат етишмайди. Бундан эса шундай хулоса чиқади: бундай ходимни доимо мажбурлаш, назорат қилиш, жазолаш ва жарима солиш билан қўрқитиб туриш зарур. Иккинчи модел биринчисига қарши: ёлланма ишчилар табиатан фаол, уларга ташаббускорлик ва уддабуронлик, ўз зиммасига масъулият олиш салоҳияти хосдир. Ушбу ҳолда менежерлик вазифаси кишилар ўз мақсад ва қизиқишларига ғоят мақбул тарзда эриша оладиган шарт-шароитни барпо этишдан иборат, компаниянинг сиёсати ва истиқболи эса ходимларнинг ҳулқ-атворига асосланган ҳолда ташкил этилиши лозим. Иккинчи моделга мувофиқ келувчи ишчини рағбатлантириш ва унга қулай муҳит яратиб беришгина кифоя қилади.

Албатта, бу иккала модель фақат назарий мавҳумотдир, амалиётда улар соф кўринишда мавжуд эмас. Инсон зиддиятли мавжудот, у ўзида ҳам биринчи, ҳам иккинчи моделлар сифатини бирлаштиради. Шу сабабли менежмент усуларида ҳам интеграцияланган кўриниш касб этмоғи даркор.

80-йилларда Америка фуқароси бўлган япон олими Уильям Оучи "Z" назариясини таклиф қилади. Бу назария "Д" Мак-Грегер назариялари япон ва америқо менежменти тажрибасидан келиб чиқиб бўлинади, улар У.Оучи тахмини бўйича, энг кучли томонларнинг ғояларини ўз ичига қамраб олади.

Бунинг асосий уч ғояси мавжуд:

1. Умуман ҳар қандай фирманинг фаровонлигини таъминловчилар — ўз имкониятларини амалга оширувчилар —ходимлардир.

2. Фирма — мисоли жонли организм. Бунда ягона мақсад сари бирлашган одамлар фаолият кўрсатадилар.

3. Ҳам фирма, ҳам унинг одамлари мунтазам равишда янгиланиб ўзгарадилар ва шу янгиланиш орқали бозордаги ўзгараётган шароитга мослашадилар.

Иқтисодий адабиётларда, ўз имкониятларини амалга оширувчи ходимлар, менежмент нуқтаи назардан қараганда, уч тоифага бўлинади.

Биринчиси — иқтисодий одам. Унинг асосий мақсади кўпроқ пул олишдир. Демак, уни ишлатиш учун кўпроқ моддий рағбатлантириш ёки жаримага аҳамият бериш керак. Иқтисодий одамнинг асосий заиф томони шундаки, у оддий қилиб айтганда, пул деса ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр. Агар бошқа фирма кўпроқ пул ваъда қилса, ишлаб турган жойини бемалол тарк этаверади.

Иккинчи тоифа — социал одам. Булар ўз кучларига ишонмайдиганлар, давлат ёки фирмадан ҳомийлик кутадиган одамлар. Буларда ташаббускорлик камроқ бўлади.

Учинчи тоифадаги одам — айнан ўз имкониятларини амалга оширувчи ходимлар. Булар ҳам ўз моддий томонига аҳамият берадилар, ҳам ташаббускор, янги-янги ғоялар таклиф қилувчи бўладилар. Энг муҳими, улар фиккига садоқатли бўладилар. Фирманинг яхши, ёмон кунларида уни қўллаб-қувватлайдиган ва фаровонлигини таъминлайдиганлар ҳам шулар бўлади.

Фирма ходимларига алоҳида эътибор бериб — энг истеъдодли одамларни фирмада ишлашга жалб этиш, уларнинг малакаларини ошириш; ходимлар устидан қаттиқ назорат қилиш ўрнига уларга эркинлик бериш, мустақил ишлаши учун шароит яратилиши керак. Бу ходимларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини бемалол изҳор қилиш ва ташаббускорлигини орттиради.

Дунёга донги кетган IBM ҳамда "Soni" фирмалари одамларни рағбатлантириш учун уларни оила аъзолари қатори кўриб, ушбу оиланинг энг эъзозланадиган аъзоларига кўрсатиладиган ҳурмат уларга ҳам кўрсатилиши кераклигига алоҳида эътибор берадилар.

**Н.БЕКНОЗОВ,**
**У.ТУРҒУНОВ,**
**С.ҚУРБОНОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчилари**

# ОМИЛКОРЛИК

— 15-20 йиллар муқадам туманимизда етиштирилган 30-35 минг тонна пахта ҳом ашёсининг атиги бир фоизини ҳам шу ернинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш имконияти йўқ эди, — дейди Гурлан тумани ҳокими Раҳимбой Матрасулов, — ҳозир эса ялпи ҳосилнинг қарийиб 25 фоизи туманнинг ўзида тайёр маҳсулотга айлантирилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларида истиқболни ўйлаб, деярли ҳашар йўли билан қурилган замонавий "Гурлан-текс" корхонаси, шунингдек тўқимачиликка ихтисослашган бошқа бир қатор тадбиркорлик масканлари бир маромда ишлаб, дастлабки ва пировард даромаднинг барини туманга туҳфа этаяпти.

— Мустақиллик йилларида пахтага муносабат ўзгарди,—дейди "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги раиси Исмоил Йўлдошев. Мамлакатнинг деярли барча туманларида хомашё қайта ишланаяпти: Пахтанинг ялпи ҳосилини оширишдан барча, шу жумладан, хўжалигимиз аҳли ҳам манфаат топади. Буни англаб етган кўпгина ижарачилар пудратчилар, фермерлар бу йил ўзларига биркитилган майдонлардаги баҳорий экинлар ҳосилини йиғиб олгач, ўрнига пахта экиш ташаббуси билан чиқдилар. Биз эса уларни эртапишар ва сувни кам талаб этадиган уруғликлар билан таъминлашга ҳаракат қилдик.

Бунинг самарасини пировардида суҳбатдошимизнинг ён дафтаридаги битиклардан аниқ билиб олдик. Унда қайд этилишича, май ойининг охири ва июннинг бошларида 70 гектар ерга эртапишар навлар экилиб, гектарига камида 25 центнер ҳосил олинибди. Қаранг, ёз бошида ҳар гектарига неча юз минглаб сўмлик даромад берган далалар кузга келиб, ўз соҳибига яна юқоридаги миқдор пахтасини ҳам ҳадя этибди. Апрел ва майнинг илк кунлари экилган ғўзанинг ҳосили териб олингач ҳам сурьат бўшашмабди. Ёзнинг илк палласи экилган кечки ғўза ҳосили деҳқоннинг жонига оро кирибди ва хўжалик давлатга пахта сотиш контрактация режасини гурландагина эмас, балки вилоятда олдингилар қатори уддалаб, гектарига 29,5 ўрнига 33,5 центнер хирмон кўтарибди. Жами даромаднинг 20 миллион суми соф даромаддан иборат бўлибди.

Мазкур тумандаги "Зарбдор"ширкат хўжалигининг ишлари ҳам ибратли. Бунга эса омилкорлик сабабчи. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида сувсизлик оқибатларини бартараф этиш ва аҳолини ижтиоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қарата республика ҳукуматининг қарори эълон қилингач хўжалик раҳбарияти ва мутахассислари ўзаро кенгашиб, ғаройиб тадбирни қўллашибди.

— "Қиличбой орна" магистрал канали хўжалигимиз ҳудудини кесиб ўтади, — дейди раис Жумабой Эшчонов, — Канал сатҳи экинзорлардан бир мунча баланд. Шу сабаб унга ёндош далаларда намгарчилик миқдори ҳамиша юқори бўлиб келган. Ўзаро маслаҳатдан сўнг мазкур сув йўлини ёқалаб, бир неча чақирим масофада коллектор тармоғини қазидик. Натижада ерга сингиб кетаётган сувни ўзига жамлаган қўлбола омбор пайдо бўлди. Ана шу ва бошқа коллекторларга тўпланган ер ости сувлари экинлар жонига оро кирди. Хўжалигимизга ажратилган сув лимитидан эса ихтиёрий равишда воз кечдик.

Хўжалик раҳбари таъриф этган ушбу ибратли тадбирнинг самараси факт ва рақамларда яққол намоён. "Зарбдор"ликлар пахта сотиш шартномавий режасини анча ошириб уддалашди. Мўл ҳосилдан келган сармоя заҳқаш қазиш, техникани созлаш, ёқилиғи, ўғит ва уруғлик харжларини тўла қоплади. Биргина пахтачиликнинг ўзи салкам 10 фоиз фойда келтирди. "Гурлан-текс" каби қудратли корхонанинг йил бўйи бир маромда ишлаши ва туман ғазнаси бойликка тўлиши учун ана шу янгилиқ ютуқлару, унга гаров бўлгучи омилкорликлар зарур. Шартномавий режанинг уддаланиши муносабати билан "Амударё" ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган "Ганж" фермер хўжалигида меҳнат қилувчи ўнларча ижарачи ва пудратчиларнинг деярли барига қимматбаҳо совринлар улашилганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик.

— Сувсизлик шароитида ҳосилдорликни 56 гектар пахтазорнинг ҳар гектари ҳисобига салкам 40 центнерга етказдик, — дейди мамнуният билан фермер Ёриммат Каримов.

Унинг айтишича, яна 102 гектар майдонда етиштирилган қанд лавлаги, буғдой ва шолидан ҳам туман бўйича юқори ҳосил олинибди. Натижада жамоа 50 миллион сўмга яқин сармоянинг соҳиби бўлибди. Биргина пахтачиликнинг ўзмдан 20 миллион сўм даромад олинибди. Ҳар бир ижарачи ёки пудратчи ўртача 200-500 минг сўмлик соф фойдани қўлга киритибди. Пахта майдонларини ўтган йилдагига нисбатан 1018 гектарга кўпайтирган "Вазир", "Гулистон", "Янгиобод" ширкат хўжаликлари, шунингдек туман деҳқон ва фермер хўжаликлари (улар 2000 йили атиги 36 гектар майдонда ғўза парваришлаган бўлсалар, бу йил уни 700 гектарга етказдилар)нинг тажриба ва ташаббуси ҳам ибратга лойиқ. Афсуски, туманнинг бошқа хўжаликлари ҳам пахтанинг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлигини ошириш имконларидан тўла фойдаланишмади.

— Кимки пахтачиликка қўл берган бўлса, омад уники бўлди,— дейишди, бизга туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси иқтисодчилари бир овоздан.

— Хўжалигимиз нафақат туман балки, вилоятдаги барча сув йўлларининг энг охирига жойлашган, боз устига оби ҳаёт тақчиллигига дуч келаяпмиз — дейди "Қорақалпоғистон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Сафарбой Собиров, — Бу ҳол ўз таъсирини кўрсатди. Даромад ҳажми ўтган йилгидан қарийиб 80 миллион сўмликка кўпайди. Бунинг 20 миллион сўми соф фойдадан иборат.

Демак, пахтачиликка очиқ чехра билан қараган деҳқон ютди, кейинги бир неча йил ичида биринчи бор деярли барча хўжаликларда рентабилликка йўл очилди. Ўз қайта ишлаш саноати-йигириш, тўқиш ва тикиш корхоналарига эга бўлганларнинг омади эса бундан-да чопди.

Истиқлол иноятн билан Хоразмда бирин-кетин ё тўқимачилик, ё тикувчилик корхоналари қад ростлаётир, бир қанчалари эса аллақачон маҳсулот бераяпти. Сирасини айтганда, буёғига ҳамма гап ҳазрати деҳқонда қолди: замона "оқ олтин" ижодкорларига кулиб боқмоқда, уларни пахтачиликнинг улкан истиқболларидан огоҳ этмоқда.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун"**
**мухбири**

*Ҳуқуқий маърифат*

# МУВОФИҚЛИК ЗАРУРАТИ

## ЁКИ КЎРСАТМАНИ ЖОЙИДА ТЕКШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

Гувоҳлар, жабрланувчилар, гумондор ва айбланувчи берган кўрсатмалар аксарият ҳолларда маълум бир ҳудуд ёки турар жой хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Бу хусусиятлар терғалаётган жиноят ишига маълум даражада таъсир кўрсатса, жиноят иштирокчиларининг ҳаракати аниқ ҳолат ёки жой, участка, ҳудуд, турар жойга бевосита боғлиқ бўлса, бундай ҳолларда бу ҳодиса тўғрисида тўлиқроқ маълумот олиш учун илгари сўроқ қилинган шахс билан ҳодиса рўй берган жойга чиқиш зарурияти пайдо бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўрсатмани ҳодиса жойида текшириш гумонланувчи, айбланувчи, баъзан эса жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидаги маълумотларни ҳодиса содир бўлган жой билан боғлиқ ҳолатларни текшириш, айрим деталларини аниқлаш учун холислар иштирокида ўтказиладиган ҳаракатдир. Бундай пайтда зарурат туғилса, мутахассис ҳам иштирок этиши мумкин. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад кўрсатмадаги айрим маълумотларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текширишдан иборатдир. Тажрибада яна шу нарса учрайдики, баъзан терговчи кўрсатмани воқеа содир бўлган жойда текшириш жараёнида янги маълумотлар ҳам олиши мумкин.

Кўрсатмаларни ҳодиса жойида текшириш натижасида аниқланадиган маълумотлар қуйидагича ифодаланади:

— сўроқ вақтида қайд этилган жой ҳақиқатдан ҳам, ҳодиса рўй берган жойми ёки бошқами;

— ҳодиса содир бўлган жой сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмасидагига тўғри келадими;

— кўрсатмадаги айрим ҳолатларни (ашёвий далил топилган жой, жиноят содир бўлган ёки излари топилган жойлар) аниқлаш;

— кўрсатмада қайд қилинган маълумотнинг мавжудлиги;

— сўроқ қилинган шахснинг ҳодиса жойидаги ҳаракатларни содир қилганлиги;

— сўроқ қилинган шахс кўрсатмасида қайд этилмаган янги ҳолатларнинг маълум бўлиши.

Маълумки, инсон кўз ўнгида рўй бериб ўтган воқеа-ҳодисаларни айни ҳодиса рўй берган жойда батафсилроқ сўзлаб беради. Чунки бу ерда тассурот жонли бўлади, киши рўй берган ҳодисани янада аниқроқ идрок этади.

Бунинг устига кўрсатма берган шахс ўзининг олдинги кўрсатмаларини бевосита тўлдириш, исботлашга хизмат қиладиган далилларни кўрсатиши мумкин.

Айни шундай текшириш гувоҳ, жабрланувчи иштирокида ҳам ўтказилиши мумкин. Фақат бунинг учун улар олдин сўроқ қилиниши керак.

Бундан ташқари, гувоҳ, жабрланувчи ёки айбланувчиларнинг тергов даврида берган кўрсатмалари ҳақиқатга нечоғлик яқин эканлигини мазкур иш бўйича тўпланган бошқа далиллар ёки бошқа гувоҳ, айбланувчилар берган кўрсатма, жиноят ҳодисаси жойини кўздан кечириши даврида тўпланган ашёвий далиллар билан таққослаш усулида ҳам билиш мумкин.

**_Кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:_**

**_Кўрсатма берган шахс текширилаётган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини жойида тиклайди; иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни қидириб топади ва кўрсатади; айрим ҳаракатларни намойиш қилади; текширилаётган ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини кўрсатади; ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади; ўзининг аввалги кўрсатмаларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади. Бу ҳаракатлар вақтида четдан аралашишга, гап ўргатишга ва ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди._**

**ЖПК, 133-моддасидан**

Жиноят содир қилинган жойни айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи билан бирга бориб кўриш айбланувчининг қисман ҳаракатларни қаерда, қандай бажарганини ўша жойнинг ўзида гапириб бериши табиийки, бу жиноят ишини тез ва сифатли тергов қилиш учун катта аҳамият касб этади.

Яна шуни айтиш керакки, жиноят содир бўлган жойни терговчи илгари кўрмаган бўлиши ҳам мумкин. Нима деганда, терговчи содир бўлган жиноят жойига чиқиб, доимий равишда кўздан кечирмайди. У тўпланган ашёвий далилларга асосланиб, тергов олиб боради. Шунинг учун ҳам у жиноят содир бўлган жой тўғрисида умумий мулоҳазага эга бўлмайди.

Негаки, гувоҳ, жабрланувчи нечоғлик тўла баёнот бермасин, барибир, жиноят ишига зарур детал, масофа ва ҳажмлар тўғрисида аниқ маълумот бера олмайди.

Шундан келиб чиқиб, айтиш керакки, маълум бир жиноят иши бўйича гувоҳ, жабрланувчи ва гумондор ўз хоҳиши ёки терговчининг илтимосига асосан ўз кўрсатмасини жиноят содир бўлган жойда бериши тўлиқ баёнот ҳисобланади.

Ҳар ҳолда гувоҳ, жабрланувчи ёки гумондор жиноят жойига чиқишдан олдин чақирилган жойда, идорада тўла кўрсатма бериши шарт. Шунда улар берган баёнотида маълум деталларни тўлдириш, аниқлаш эҳтиёжи туғилган тақдирда, жиноят содир бўлган жойида тергов ишлари давом эттирилади.

Ушбу ҳаракатни жиноят содир бўлган жойда такроран сўроқ қилиш мумкин, деб ҳисоблаш ҳам мазмунан тўғри эмас. Чунки жиноят содир бўлган жойда сўроқ қилиш такрорий сўроқ эмаслигига қуйидаги ҳолатлар асос бўлади:

— жиноят содир бўлган жойга боришдан олдин гувоҳ, жабрланувчи ёки гумондор сўроқ қилинганда, ушбу иш юзасидан кўрган-билганларини тўла баён қилиши аниқловчи, ойдинлаштирувчи саволларга тўлиқ жавоб беради. Шунга қарамай, ишга алоқадор маълум детал, ҳаракат ҳажми бўлган нарсаларни кўрсатиб беришга эҳтиёж туғилган тақдирдагина жиноят содир бўлган жойга чиқиш лозим бўлади.

Одатда жиноят содир бўлган жойга чиққач, гувоҳ, жабрланувчи ёки гумондор ўз кўрсатмасида баён қилган воқеани тўла гапириб беради. Аммо вақт ўтиши билан баъзи деталларни эслай олмаслиги ҳам мумкин. Бундай пайтда терговчи гувоҳ, жабрланувчи ва гумондорга "Шу жойларни кўрсатиб бера оласизми?" — деган саволни бериши керак. Бу саволга "кўрсатиб бераман" деб ўз ихтиёри билан рози бўлган тақдирда, шу жойга чиқишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Гувоҳ, жабрланувчи ёки гумондорни сўроқ қилиш ҳеч қачон холислар иштирокида олиб борилмаган ва олиб борилмайди. Лекин жиноят содир бўлган жойга чиқиш холислар иштирокида олиб бориладиган ҳаракат саналади.

Жиноят содир бўлган жойга чиқишда гумондор, гувоҳ ва жабрланувчи ҳеч ким томонидан мажбур қилинмайди, у ўз инон-ихтиёри билан ишга алоқаси бўлган жойларни кўрсатиб, аниқлаб беради.

"Жойга чиқиш" ҳаракати тергов материалларини аниқлаш ва ойдинлаштиришга имкон яратади. Янги материал тўплаш, уни бошқа далиллар билан боғланиш томонларини белгилаб беради.

"Жойга чиқиш" ҳаракати тергов материалларини ойдинлаштириш, тўлдириш, янги далил ҳамда фактларни аниқлаш учун зарур бўлган тергов ҳаракатларидан ҳисобланади.

Шу билан бирга кўрсатмани воқеа содир бўлган жойда текшириш жараёнида гувоҳ, жабрланувчи, гумондор ишга зарур бўлган ноаниқликни аниқлаш, эсдан чиққан нарсасини эслаш, олдин эътибор бермаган нарсаларга эътибор қилиш, уни баён қилиш ва бу ҳаракатнинг натижаси тўғри эканлигини баҳолашда муҳим ўрин тутади. Шуни айтиш лозимки, воқеа содир бўлган жойга чиқишдан кўзланган асосий мақсад ҳам вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Жиноий ҳаракат содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида аниқланмаган, топилмаган далилий ашёларини топиш.

2. Келиб-кетиш жойларини, ундаги ўзгаришларни белгилаб олиш.

3. Тергов қилинаётган жиноятнинг айрим аниқланмасдан қолган ҳолатларини аниқлаш.

4. Жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси билан гувоҳ, жабрланувчи, гумондор (айбдор)нинг кўрсатмасини таққослаб кўриш.

5. Сўроқ қилинган гувоҳ, жабрланувчи, айбдорнинг кўрсатмаларини мустаҳкамлаш.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, 1996 йил май ойида ЖПК "Кўрсатувларни ўз жойида текшириш" деб номланган янги модда билан тўлдирди.

Ушбу моддага асосан, гумондор, айбланувчи, жабрланувчи, ёки гувоҳнинг аниқ жой билан боғлиқ бўлган" кўрсатмаларини текшириш ёки аниқлаб бериш мақсадида терговчи холислар ҳузурида, зарур бўлган ҳолларда эса мутахассис чақириб, сўроқ қилинган шахс кўрсатган жойга биргаликда келишга ва бу шахсдан иш ҳолати, вазияти ёки буюмларни кўрсатишни талаб қилишга ҳақли. Бунда кўрсатувчи текширилаётган шахс ва аниқланаётган шахс шу жойга борадиган йўлни кўрсатиб беради, шунингдек, илгари ўз кўрсатмаларида айтган ҳолат, вазият ва буюмларни айтади ҳамда терговчининг ўз кўрсатмаларини текшириш ёки аниқлаш билан боғлиқ бўлган саволларга жавоб беради.

**Гавҳар ОҚМАМАТОВА,**
**ҳуқуқшунос**

*Қор — ойдинлик рамзи*

*Оталар дейдики:*

***Доно кишининг тили уни бахтсизликдан асрайди. Ярамас кишининг тили эса унинг бошига кулфат келтиради.***

* * *

***Инсоннинг бошқа жонзотлардан афзаллиги ақлидадир. Ақлнинг мақсади эса нутқ ва ширинсуханликни такомиллаштиришдан иборат.***

# ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО:

## У КИМЛАРГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

Ҳаёт мураккаб бўлганидек, ҳар бир инсоннинг феъл-атвори, дунёқараши, қалби бир-бирига ўхшамайди. Кимдир содир қилган интизомсизлиги учун берилган жазонинг турига ҳам, моҳиятига ҳам эътибор бермайди, кимдир буни таҳликали, оғир мусибат сингари қабул қилади.

Хўш, ходимнинг интизомсизлиги ҳолати бўйича жазолар қандай қўлланилади, уларнинг амал қилиш муддати қанча, ходим қачон интизомий жазо олмаган ҳисобланади? Ўйлаймизки, бу саволлар кўпчиликни эътиборсиз қолдирмайди.

Меҳнат Кодексининг 182-моддасига мувофиқ, интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади. Интизомий жазони қўллашдан олдин ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати олиш керак. Чунки ҳар хил оилавий сабаблар, тўсатдан касалланиш, яқин кишисининг вафоти ёки бирор-бир бахтли куни, тасодиф ҳолатларга тушиб қолиши, турли хил иғво-ю, фитналарга дуч келиши натижасида ходимга ноҳақ жазо берилишининг олдини олиш мақсадида вазиятга аниқлик киритиш учун ёзма тушунтириш хати талаб қилишлик қонун йўли билан белгиланган. Агар ходим тушунтириш хати беришдан бош тортса-ю, аммо содир қилган интизомсизлиги тасдиқланган ҳолларда унга интизомий жазо берилади. Турли хил кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортганлигини ҳужжатлаштириб қўйиш фойдадан холи эмас (масалан, бош тортганлик ҳақида далолатнома тузиш ёки йиғин баёнига киритиб қўйиш ва ҳоказолар).

Шуни таъкидлаш жоизки, интизомий жазо қўллашда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади. Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилади. Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олишдан узоғи билан 1 (бир) ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб, 6(олти) ой ўтганидан — молия-хўжалик фаолиятини тафтиш ёки текшириш натижасида аниқланганда ҳолда эса — содир этилган кундан бошлаб 2 (икки) йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазони эълон қилиш ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки амалиётда баъзи бир ходимлар ўзига интизомий жазо берилганини билмаган ҳоллар ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот ва бошқа турдаги фаолият кўрсатувчи идораларнинг масъул ходимлари интизомий жазо берилганлиги тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарорни ходимга маълум қилиши ва ундан тилхат олиши шарт. Шундай қилинганда ортиқча маш машаларга ўрин қолмайди. Агар ходим тилхат беришдан бош тортса, бу ҳақда тегишли далолатнома тузиш ёки йиғин баёнига киритиб, ушбу баённи қонунга мувофиқ тасдиқлаб қўйиш хато ҳисобланмайди. Ҳар бир ишни виждонли, ҳеч бир зарарсиз ва шубҳалардан холи ҳолда бажариш — муайян идорадаги соғлом иш муҳитига кафолат беради. Ходимларни ўринсиз жазолаш билан қўрқитиш, таъмагирлик қилиш эса ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб 1(бир) йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Қонунчилигимизнинг инсонийлик жиҳатлари кўп. Бу меҳнат Кодексида ҳам ўз аксини топган. Масалан, интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони 1 (бир) йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақлидир.

Интизомий жазони муддатидан илгари олиб ташлаш, табиийки ходимнинг ишчанлик кайфиятини кўтариб, идора раҳбарига, жамоага нисбатан ҳурмат ҳисси уйғонишига сабаб бўлади.

Бир сўз билан айтганда, қайси ташкилотда ишчан, соғлом муҳит мавжуд экан, у ерда интизомсизлик ҳам бўлмайди.

# АГАР УНДАН НОРОЗИ БЎЛСАНГИЗ...

Иш фаолияти давомида ходимга меҳнат Кодексининг 181-моддаси тартибида интизомий жазолар берилиши мумкин. Бундай жазолар тоифасига — ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан (ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин) ортиқ бўлмаган миқдорда жарима, меҳнат шартномасини бекор қилиш киради.

Ходим интизомий жазолардан норози бўлса, унда ушбу масала — меҳнат низоси қандай ҳал қилинади?

Меҳнат Кодексининг 270-моддасида суд ёки меҳнат низомлари комиссиясига мурожаат қилиш муддатлари белгиланган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб 1(бир) ой;

2. Ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб 1(бир) йил;

3. Бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб 3 (уч) ой.

Юқорида таъкидлаб ўтилган моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, унда бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

**Т. ҚОРЁҒДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Жаҳон тажрибаси*

# ОМБУДСМАН ИНСТИТУТИ

## УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Бу ҳақда фикр юритганда, шундай табиий савол туғилади: хўш, Омбудсман институти қачон ташкил топган? У моҳият-эътибори билан қандай эзгу мақсадларга хизмат қилади?

Агар дунё тараққиётига назар ташласак, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда бир қатор ташкилотлар билан бирга Омбудсман институти ҳам алоҳида ўрин тутади.

Шуни айтиш керакки, Омбудсман илк марта Швецияда ташкил топган, деган фикр мавжуд бўлса-да, айрим тарихий манбалар Араб халифалигида ҳам айни шундай институт фаолият кўрсатганлигидан гувоҳлик беради.

Гап тарих ҳақида бораркан, шуни таъкидлаш жоизки, Швеция қироли Карл XII 1709 йили Полтава бўйида руслар билан бўлган жангда енгилгач, Туркияга келади. Қирол Туркияда турган пайтида мамлакатда "Қади ал Кудат" мансаби жорий этилганлиги, унга фуқароларнинг амалдорлар хатти-ҳаракати устидан шикоятларини қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш вазифаси юклатилганлигидан хабар топади. Шундан сўнг Карл XII ватанига қайтгач, 1713 йилда Омбудсман мансабини жорий этади. Омбудсман бошқарув аппарати фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи органлар тизими ва маъмуриятнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан фуқароларни самарали ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Унинг зиммасига мамлакатда қонунлар ва статутлар бажарилиши, шунингдек, фуқаро хизматчилар ўз мажбуриятларини аниқ бажаришлари устидан кузатиб бориш вазифаси юклатилади.

Омбудсман институтининг пайдо бўлиш тарихи қисқача шундан иборат.

Кейинчалик, яъни 1809 йил Омбудсман институти Европада биринчи марта Швеция конституциявий актларида мустаҳкамланади. Унинг ташкил этилишига XIX аср бошларида жамият ҳаётининг эркинлашуви сабаб бўлади. Швеция Риксдаги (парламенти) 1809 йил бошқарув тўғрисида акт қабул қилади. Монтескьенинг ҳокимиятлар бўлиниши назарияси таъсирида қабул қилинган бу конституциявий актдан кўзланган мақсад — қиролнинг ваколатларини парламент ваколатлари билан тенглаштириш эди. Парламентга ҳокимият ва бошқарув органлари, судлар томонидан парламентнинг қонунчилик актларига амал қилиниши устидан назорат қилиш учун махсус парламент комиссари (омбудсман)ни сайлаш ҳуқуқи берилади.

Энди "Омбудсман" тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у "umbud" сўзидан олинган бўлиб, ўрта аср швед тилида куч ёки мўътабар шахс деган маънони англатади. Шу билан бирга шведча "ombudsman" сўзи вакил, делегат, агент, мухтор, ишончли шахс деган маъноларни билдиради. Ҳуқуқий маънода Омбудсман алоҳида фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга парламент томонидан вакил этилган ишончли шахс деб тушунилади ва барча мансабдор шахслар ҳамда давлат вакиллари қабул қилган қарорларни ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаса-да, улар устидан кенг кўламда парламент назоратини амалга оширади.

Бугунги кунда Швецияда парламент тўрт нафар омбудсманни сайлайди ва уларнинг бири бош парламент омбудсмани ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси суд ва маъмурий органларнинг амалдаги қонунларга риоя этиши ва уларни ҳаётга тўғри татбиқ қилиши, шу билан бирга мансабдор шахслар устидан назорат олиб боришдан иборат. Омбудсман судда иш қўзғатиш ёки ноқонуний хатти-ҳаракат содир этган давлат хизматчиси устидан у ишлайдиган юқори ҳокимият органига хабар бериш ваколатига эга.

Яна шуни айтиш керакки, Швецияда ҳукумат ёки бошқа органлар томонидан тайинланадиган турли соҳа омбудсманлари ҳам бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

— истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

— эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги;

— этник камситиш масалалари;

— бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

— ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

— матбуот бўйича омбудсманлар.

Швецияда суд ва маъмуриятнинг ноқонуний қарорлари устидан кафолат сифатида Омбудсманлар тизими жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1919 йил Финляндияда ҳам Омбудсман институтини ташкил этилади. 1952 йилда эса бу ғоя, яъни Омбудсман институти Норвегия парламенти томонидан ҳам қабул қилинади. Фақат бу мамлакатда Омбудсман дастлаб қуролли кучлар фаолиятига дахлдор бўлса, 1962 йилдан фуқаролик маъмурияти устидан ҳам назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

1952 йилги Конституциявий ислоҳот Данияда ҳам айни шундай институтни жорий этиш имконият яратиб берди. Айтиш лозимки, Дания Омбудсмани жаҳонда эътироф этилган Омбудсман моделларидан бири саналади. Бу биринчидан, Дания Омбудсмани ҳуқуқшунос Стефан Гурвицнинг нотиқлик ва адабиётшунослик қобилияти орқали чет элда машҳурлиги бўлса, иккинчидан, ҳуқуқий тизимнинг англо-американ ва европа-континентал ҳуқуқ тизимига яқинлиги билан изоҳланади.

Дания Омбудсмани фаолияти кўлами бошқа Скандинавия мамлакатларига нисбатан бирмунча чекланган: у давлат органлари фаолиятини назорат қилади, лекин суд ҳокимияти фаолиятига аралашмайди. Суд ҳокимиятининг Омбудсман ваколатига тааллуқли эмаслиги бир томондан, Дания давлатчилиги суд қарорлари устидан текширув имкониятини қайд этса, иккинчи томондан, судьялар мустақиллиги ташқи назорат билан тўғри келмаслиги билан изоҳланади.

1962 йил эса Янги Зеландияда ҳам Омбудсман ташкил этилди. Бир палатали парламентга эга бўлган бу давлат учун Омбудсман хизматининг киритилиши бошқарув таркибида жамоатчилик томонидан давлат аппаратини назорат қилишни таъминлаб берувчи механизм такомиллашувига ёрдам берди.

1967 йил эса Буюк Британияда Омбудсман институтини ташкил этиш тўғрисида Қонун қабул қилинди.

1976 йилдан буён Омбудсман институти — Проведор (Provedor de Jistica) Португалияда ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу мамлакат Конституциясининг 23 моддаси мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига, агар маъмурият қарорининг тўғрилигидан гумон қилинса, Омбудсманга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Шуни айтиш керакки, Омбудсман ўз фаолияти давомида Португалиянинг демократияга қайтишининг рамзи сифатида тарихдан жой олди.

Шундай қилиб, бугунгиги кунда дунёнинг 100 га яқин мамлакатларида Омбудсман институти фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, хорижий мамлакатлар тарихий тажрибаси ва амалиётидан келиб чиқиб, Омбудсман институтини икки турга ажратиш мумкин:

1) Парламент Омбудсмани (Швеция, Буюк Британия ва бошқалар)

2) Ижроия ҳокимияти Омбудсмани (АҚШ, Франция, Канада).

Албатта, жаҳоннинг турли давлатларида Омбудсман институтининг ташкил этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва техник ёрдам кўрсатиш учун халқаро ва минтақавий Омбудсманлар тузиш заруратини келтириб чиқарди. Шу маънода 1978 йил Халқаро Омбудсман Институти (ХОИ) ташкил этилди. У Канадада жойлашган бўлиб, аъзолик бадаллари, давлат ва хусусий тузилмаларнинг субсидиялари ҳисобига молиялаштирилади.

Бугунги кунда ХОИ Африка, Осиё, Австралия ва Тинч океани минтақаси, Европа, Кариб ороллари ва Лотин Америкаси, жами олти минтақада фаолият кўрсатмоқда. Кўплаб минтақалар Омбудсман муассасаларининг доимий учрашувини ташкил этиш учун зарурий шарт-шароитларга эга. Ҳозирги кунда ХОИнинг аъзоларини жаҳоннинг 100 га яқин Омбудсманлари ташкил этади. 1998 йилдан бошлаб эса унга овоз бериш ҳуқуқи билан Ўзбекистон ҳам аъзо бўлиб кирди.

ХОИнинг фаолияти унинг Низоми асосида тартибга солинади. Унга кўра ХОИнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: Омбудсман муассасаларида тадқиқот ва таълим фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кўмаклашиш; Омбудсман муассасаларига, уларнинг ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга таълим дастурларини ишлаб чиқиш; Омбудсман ташкилотига тааллуқли ахборот ва таҳлилий маълумотларни йиғиш, сақлаш ва тарқатиш; Омбудсман муассасалари ўртасида ахборот ва тажриба алмашишни ривожлантириш ва бошқалар.

1988 йил эса Европа Омбудсман институти ташкил этилди. Ва у фаолиятини Европа минтақасига ёйди ва ХОИ сингари вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқ устуворлиги тамойилларини эълон қилар экан, турли тоифадаги фуқаролар (аёллар, болалар, ногиронлар) ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бир қатор халқаро конвенцияларга қўшилди ва ўз ҳудудида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун шарт-шароит яратиб бериш мажбуриятларини зиммасига олди.

Халқаро ҳуқуқ меъёрлари талабига мувофиқ, Ўзбекистонда нафақат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини конституциявий ҳуқуқий ҳимоялаш асослари ва кафолатлари шакллантирилди, балки уни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш юзасидан ташкилий механизм ҳамда тегишли миллий инфратузилма ҳам вужудга келтирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоялаш масалалари билан шуғулланувчи бир неча идоралар мавжуд. Улардан иккитаси қонун чиқарувчи, биттаси — ижроия ва яна бири ноҳукумат органидир. Масалан, 1995 йили Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили органи таъсис этилди ва унинг ихтиёрида инсон ҳуқуқи ва эркинлиги билан шуғулланувчи Комиссия тузилди. 1996 йилда эса Олий Мажлис ҳузурида Амалдаги қонунчилик мониторинги институти ташкил этилди. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, Республика Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ташкил этилди. Бир йилдан сўнг, яъни 1997 йил эса Жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази вужудга келди.

Парламент ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ташкил этилди ва 1995 йил 6 майда Олий Мажлис қарорига биноан унинг ҳузурида Вакилнинг Инсон ҳуқуқлари борасидаги вазифаларни намунали амалга оширишга кўмаклашиш учун фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш Комиссияси тузилди.

Амалдаги қонунга биноан Вакилнинг фаолияти қуйидагилардан иборат: фуқароларнинг шикоят ва аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, агар бузилган бўлса, уларнинг ҳуқуқларини тиклаш бўйича тегишли чораларни кўриш; инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар ва Ўзбекистон қонунларига риоя қилиниши бўйича ўз ташаббуси билан текширувлар ўтказиш; инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга ҳисса қўшиш ва уни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш; инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш соҳасида ижтимоий онгни кўтаришга қаратилган ахборот-маърифий ва таҳлилий ишларни амалга ошириш; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мехнизмлари ва воситаларини ташкил этиш соҳасида хорижий мамлакат фаолияти тажрибаларини ўрганиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Дунёнинг ривожланган давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам Вакил ҳар йили Парламент олдида ҳисобот беради ва у "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси"да эълон қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили институтининг вужудга келиши ва ривожланиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқди.

**Абдулхай МЎМИНОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси,**
**Мирзатилла ТИЛЛАБОЕВ,**
**тадқиқотчи**

# ВАТАНГА ХИЁНАТ

## У ҚАЕРДА, КИМ ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛМАСИН, БАРИБИР КЕЧИРИЛМАСДИР

**МУҚАДДИМА**

*Қисқа ва тезкор умри мобайнида одам боласи турфа ҳолатларни бошидан кечираркан, омади чопса хушнуд ва мамнун бўлади. Умр отлиқ неъматда афсус-надоматларга тўла шундай дамлар ҳам бўладики, одамзот бундай кезларда дунёга келганига пушаймон ейди. Ёруғ олам кўзларига тор кўринади. Дейлик, рўзғор соҳибасининг бир сабаб бўлиб соғиб олган сути ачиб, айниб қолса ёхуд оила аъзолари учун пиширган таоми бузилса, "ўтган хатоимни эртага тузатарман" деган ўйда ўз-ўзини юпатади. Аммо онаизорнинг не-не умид билан тугиб, тарбиялаган фарзанди нокобил, нокас чиқса-чи? Аҳазарким, хоин ва жиноятчи фарзанд ота-онанинг икки дунёсини куйдиради. Фарғоналик Расул Охунов ана шундай нонкўр ва оқпадар бўлиб чиқди. У шунчаки билмасдан, беҳосдан жиноят содир этмади. Унинг жинояти оғирдан-да оғир, исноди жиноят эди. Аниқроқ айтганда, у ватанфуруш, элфуруш, динфуруш разил бир кимса бўлиб чиқди.*

### РАСУЛ ОХУНОВ АСЛИ КИМ ЭДИ?

Ушбу саволга жавоб беришдан аввал, яқин ўтмиш, яъни собиқ тоталитар тузумнинг охири ва истиқлолимизнинг дастлабки йилларида юртимизда юзага келган вазият, муҳит ҳақида мухтасар тўхталсак. Ҳа, ўша 1988-1993 йиллар халқимиз, Ватанимиз учун чинакам синов даври бўлди. Эндигина истиқлол, озодлик йўлини танлаган, ислоҳотлар сари дадил одимлаётган ёш мамлакатимизга ҳар ким ҳар хил назар билан қарарди. Дўстларимиз камол тиласа, юраги ғаразга тўла ғанимларимиз завол тиларди. Минг афсуски, бундай ғанимларнинг бир тоифаси ўзимиздан чиқди. Жума Намангоний (Ҳожиев), Тоҳир Йўлдош каби юртфурушларнинг номи эндиликда нафрат билан тилга олиниши барчага маълум. Улар мудом ўзлари каби ватанфуруш, ватангадоларни кўпайтириш пайида бўлишди. Рости, уларнинг риё пардаси билан ўралган, баландпарвоз даъватларига учганлар ҳам йўқ эмас эди.

Жума Ҳожиев, Тоҳир Йўлдошевларнинг ёлғон қутқусига учганлар қаторида Расул Охунов ҳам бор эди. Алалхусус, Расул Охунов ватангадоларнинг назарига тушиб, уларнинг қўғирчоқ-дастёрига айланиб қолди. Чунки у "жиҳодчи-даҳо"ларнинг топшириқларини бекаму кўст бажариб, кўзга ташланиб қолганди. Бу манфур вазифалар миллатлар орасига низо уруғини сепиш, Ислом дини моҳиятини бузиб талқин этиш, бу йўлда тўсиқ бўладиганлардан шафқатсиз ўч олиш ва ҳоказолардан иборат эди. Нопок муддаолари ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларига маълум бўлиб қолгандан сўнг четдан туриб давом эттириш мақсадида Тоҳир Йўлдош ва Жума Ҳожиевлар дастлаб Тожикистон, сўнгра Афғонистондан паноҳ топишди. Водий ҳудудида ўзлари билан алоқада бўлиб туриш учун Расулни ўзларига вассал қилиб қолдирдилар.

### ВАТАНФУРУШЛАР ҲОМИЙЛИГИДА

Расул Охуновнинг ватанфуруш бошлиқлари белгилаб берган вазифаларидан бири бу "Ислом дини халоскорлари" яширин жиноий уюшмасини тузиш ва унинг сафига кўпроқ ёшларни жалб этишдан иборат эди. Бунинг учун у Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангоний каби ватанфурушлардан садақа олиб турарди. Бунинг эвазига Р.Охунов жиноий уюшма сафига иймони суст манқуртларни торта бошлади. Қисқа вақт ичида М.Холиқназаров, З.Қамбаров, А.Маҳмудов, С.Раҳмонқулов, А.Исмоилов ва А.Васиевлар жиноий уюшманинг аъзоларига айланишди. Улар ичида айниқса, Абдусамат Исмоилов 1995 йилда Фарҳод, Абдулазиз, Абдулло, Козим каби тожик миллатига мансуб Дудар, Салоҳиддин каби кимсалар ҳамроҳлигида қўшни Тожикистоннинг "Язгулом" қишлоғида жойлашган жангарилар тайёрлайдиган лагерга юборилади. А. Исмоилов юртфуруш газандаларга турфа хил жанговар қуроллардан фойдаланишни ўргатадиган мазкур лагерда маълум вақт тайёргарликдан ўтгач, Жума Ҳожиевнинг топшириғига кўра Абдулло исмли жангари ҳамроҳлигида Рўйи Шаън туманига етиб келади. Шу ердан резина қайиққа ўтириб, Панж дарёси орқали аввал Афғонистонга, сўнгра Покистоннинг Пешовар шаҳрига ўтиб кетади.

### "АЖДАР" ҲУЗУРИДА

А.Исмоиловни Пешовардаги "қароргоҳ"ида қабул қилган Тоҳир Йўлдошев, ундаги қобилиятни тарбияласа келажакда бу ёш жангаридан камида ўзи сингари аждар чиқишини тасаввур қилади. Унинг эпчил хатти-ҳаракатларидан тортиб, ҳозиржавоблиги-ю, ўқотар қуролларнинг энг замонавий туригача билиши "мужоҳидлар доҳийси"-га маъқул тушганди. Шу боис Абдусамат тез орада Афғонистондаги жангарилар маскани бўлган "Хост" қишлоғидаги лагерга жўнатилди. У тағин Тоҳир Йўлдошевнинг ишончини қозониб, кўпчиликнинг кўз ўнгида 500 АҚШ доллари билан "сийланди". "Улуғ мақсадлари" йўлида ўзига ғов бўладиганларни аямасликка, ҳатто отасига қарши жиҳод қилишга-да тайёр эканлиги ҳақида қасам ичгач, зарур вазиятларга шай бўлиб туриш учун Ўзбекистонга қайтариб юборилди. "Пиру устоз"ларидан "таълим ва дуо" олиб изига қайтган чаёнзода А.Исмоилов Туркманистон орқали ўз яшаш жойи бўлган Андижон вилоятининг Марҳамат туманига етиб келади.

### ЯШИРИН КЕНГАШ

Юртфуруш газандалардан бири Зикрилло Қамбаров жиноий уюшманинг ашаддий аъзоларидан бири саналарди. Унинг Тошлоқ шаҳарчасидаги уйи ватанфуруш мунофиқлар тўпланиб яширин кенгаш ўтказадиган қароргоҳ вазифасини ўтарди. Зикриллонинг уйига турли хил оғир жиноятлар содир этиб, жазодан қочиб юрган М.Ҳолиқназаров, А.Васиев каби кимсалар тез-тез тўпланиб туришарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Расул Охуновнинг кўрсатмасига мувофиқ ўтказилган кенгаш хулосасига кўра, А.Ҳоджиев, М.Холиқназаров ҳамда А.Васиевлар "Мужоҳид жангарилар" лагерига жўнаб кетадиган бўлишди. Бу галги кенгашда А.Исмоилов ҳам қатнашди. Уй эгаси З.Қамбаров жангарилар лагерига кетувчиларни Сўх туманигача кузатиб қўйиши керак эди. Шубҳа туғдирмаслик мақсадида З.Қамбаров уларни ўзининг эскироқ "АЗЛК" русумли давлат рақами "В 16-77 ФЕ" бўлган автомашинасида олиб кетди.

Сўхда уларни гумашта шотирларидан бири Янгиариқ қишлоғида яшовчи Н.Охунов кутиб олади. Сўнг Н.Охунов кузатувида ватанфурушлар Қирғизистон орқали Тожикистонда жойлашган лагерларига ўтиб кетишди. Очиғи, газандалар уяси ҳисобланмиш ўша лагерда ўтказиладиган оғир жанговар машқларга жисмонан заифлиги ва бошқа сабабларга кўра

*(Давоми тўртинчи бетда)*

*Мулоҳаза учун мавзу*

# ҚОНУНДАГИ ҚИМОРХОНА...МИ?

Яқинда қишлоққа бориб, қариндош-уруғ ва ошна-оғайнилар билан дийдорлашдим. Соғлик-саломатлик, бола-чақадан бошланган суҳбатимиз қизигандан қизиди. Гурунгимизда тилга олинмаган мавзу қолмади ҳисоб. Гап айланиб келиб қўшниларидан бири савол бериб қолди:

— Мана ука, сен шаҳарда яшайсан. Биз билиб-билмаган қанча янгиликларни гапириб бераяпсан. Деҳқон бўлсак-да, биз ҳам газета ўқиймиз. Телевизор кўриб, радио эшитамиз. Хуллас, дунёнинг паст-баландидан озми-кўпми хабаримиз бор. Яхши ишлар, ўзгаришларни кўриб, эшитиб хурсанд бўламиз.

Мана, мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан буён ўтган ўн йил ичида қаддимизни, ғуруру обрўмизни тиклаб олдик. Дунёнинг ман-ман деган мамлакатларининг раҳбарлари мустақил давлатимизга, донишманд Юртбошимизга тан бераётгани бежиз эмас. "Оққан дарё барибир оқади", деган гапни ҳам боболаримиз бекорга айтишмаган. Булар энди ҳаммаси яхши, кўриб ҳавас қиладиган томонларимиз.

Лекин мен бошқа бир нарсани сўрамоқчи эдим. Аввалига болаларимизни видео деган бир балодан асраймиз, деб анча овора бўлдик. Тўғри-да, болангни тарбияси бир издан чиқса, уни қайта изга солишнинг ўзи бўлмайди. Кейинги пайтларда шу видео деганига ё ўзимиз кўникиб қолдикми ёки болаларимизми, хуллас, бу бизни кўп ўйлантирмай қўйгандай эди.

Энди қишлоқларимизда биллиярд дегани ҳам пайдо бўлди. Бу ҳам бир бало. Тўртта бола тўпланиб олиб тўртта тошни қарсиллатиб урган-урган. Аввалига, "ҳа, энди бу ҳам спортнинг бир туридир-да", деб қўйдик. Аммо кейин қарасак, бу биллиярд деган балоси ёшларимизни домига тортаяпти. Суриштирсак, бир ўйин учун ёки ҳар соатига фалон пул тўлаш керак экан. Яна баъзи-баъзида пул ҳам тикиб ўйнашар экан. Ахир, бу қиморбозлик эмасми? Мен-ку, "яқин йўлаганингнинг оёғингни уриб синдираман", деб жиянларингни қайтардим. Лекин меники бўлмаса, бошқа бировнинг боласи бораяпти-да, ўша биллиярдхонасига. Бирови ота-онасидан рухсат олиб борса, бирови бекитиқча боради. Хуллас, гапнинг пўст калласи, биллиярд дегани бизга нима беради ўзи?

Очиғи, дафъатан қўшнимга нима деб жавоб беришни билмай қолдим. Қолаверса, ўзимни ҳам шунга ўхшаш саволлар анча пайтдан бери қийнаб юрганди.

Бундан анча олдинроқ пуллик биллиярдхоналар керакми ўзи, деган саволга жавоб излаб, унга аниқ жавоб топа олмай, қўл силтаб қўя қолгандим. Тўғри, биллиярд ҳам спортнинг яхши турларидан бири. У билан шуғулланиш, уни ўрганиш ёки ўргатиш ҳеч бир қонунда таъқиқланмаган. Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларида спортнинг бу тури билан шуғулланувчи минглаб ишқибозлар мавжуд. Жумладан, юртимизда ҳам спортнинг бу тури билан ҳалол-покиза шуғулланиб юрган ҳамюртларимиз бисёр.

Ушбу мақоламизда тилга олаётган муаммоларга уларнинг тариқча бўлсаям алоқаси йўқ.

Биз айтмоқчи бўлган гап бошқа ёқда. Бугун пойтахтимизнинг қай маҳалла ёки гузарида бўлсангиз, албатта, биллиярдхоналарга кўзингиз тушади. Ҳозир нафақат катта шаҳарлар, ҳаттоки чет қишлоқларимизгача кириб борди, бу биллиярд деганлари. Лекин уларнинг фаолияти билан ким шуғулланаяпти? Уларни ким назорат қилаяпти? Ушбу мақолани ёзмоқчи бўлиб юрганимда бир неча биллиярд клубларга кириб суриштирдим. Дарров ҳужжатларини рўкач қилишди: "Мана, рухсатномамиз. Мана, солиқ тўлаганимиз ҳақидаги ҳужжат...".

Тўғри, биллиярдхона соҳибларига ҳеч бир даъвоимиз йўқ. Уларнинг қилаётган ишлари, топаётган даромадлари қонуний. Лекин гап шундаки, биллиярдхона деганлари кечаси 11-12да ҳам ишлайверади. Фақат пулини тўлаб қўйсангиз, бас. Табиийки, ҳаммада, айниқса, ҳали мактабда ўқийдиган ўқувчи ёки талабада ҳар соатига фалон сўм пул тўлаб, биллиярд ўйнаш имконияти йўқ. Лекин унинг ўйнагиси келади. Ота-онасига китоб-дафтар ёки шунга ўхшаш заруратни баҳона қилиб бир-икки марта пул ҳам олди дейлик. Ўша пул билан бир кун ўйнасин, боринг-ки, икки кунга ҳам етсин ота-онаси берган пул. Кейинчи? Кейин нима қилади ўсмир?

Бу саволга жавоб тайин. Ўйин учун пул топиш керак. Ота-она рўзғордан орттириб ҳар куни биллиярд учун пул бера олмайди. Энг осон йўли отасининг ёки онасининг чўнтагидан секингина ўйинга етарли маблағни ўмариш. Ёки... Ёки... Ёки...

Хуллас, бундай "ёки"лардан истаганингизча келтиришингиз мумкин. Қолаверса, биллиярдхоналарда юз берган турли хил жанжал-можоралар кўпчилигимизнинг қулоғимизга чалинган. Бундан ҳам ёмони улар ҳеч қачон ўйинга тиккан пулларини столнинг ўртасига қўйиб қўймайди. Агар ўзлари тан олишмаса, истаган — борингки, билган тақдирингизда ҳам ўйинга пул тикилганини исботлаб беролмайсиз. Демак, яширин "қимор", очиқ "ўйин" бемалол давом этаверади.

Мен бу билан биллиярд ўйнаётганларнинг ҳаммаси қиморбоз ёки хулқи бузилган ёшлар демоқчи эмаслигимни яна бир карра таъкидлаб ўтаман. Лекин уларнинг орасида шундай ёшлар йўқлигига ким кафолат бера олади? Суриштиришим натижасида билдимки, кўпгина биллиярдхоналарнинг доимий мижозлари бор экан. Хўш, бу "кунда-шунда"лар пулни қаердан олишади? Ўзлари бирор жойда ишлашмаса? Умрлари биллиярдхонада ўтса? Балки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари назоратни айнан мана шундай "доимий"лардан бошлашлари керакдир?..

Келинг, кимга нимадир қилишни ўргатиб ўтирмайлик. Биз муаммони борлигича баён этдик. Зеро, ҳар қандай ёмон иш содир бўлгандан кейин афсус чеккандан кўра, уни олдини олганимиз яхши эмасми?

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

**Ислом ҲАМРО,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Ҳар кимки ёмон бўлса...*

# УСТАСИ ФАРАНГ "УСТА"

Ақли расо одамлар донолар фикри, қонунларимиз табиати, талаб ва тақозоларини ҳамиша ҳис этиб яшайди. Шу боис доимо ёмонликдан ҳазар қилиб, яхшиликка ёндашиб ҳаёт кечирадилар. Ёмонликдан ҳазар қилмаганлар эса фаҳм-фаросатнинг заифлиги туфайли жиноий ишларга ҳам қўл уриб қўяди.

...Икром Собиров — Гурланнинг манаман деган "уста"ларидан. Башарти, ишонувчилар топилса, ҳатто аслида йўқ "таъмирталаб" машиналарни ҳам бемалол "тузатиб" ташлайверадиган валломат "уста". Бунақасини наинки Гурлан, балки бутун Хоразм воҳасини кундузи чироқ ёқиб изласангиз ҳам тополмайсиз. Агар унинг ўзига йўлиққудай бўлсангиз, бисотидаги ажойиб-ғаройиб фазилату қобилиятидан чунонам бурро сўйлайдики, айтганларига ҳатто шайтонга дарс берувчи олғирлар ҳам лаққа инонишади.

Унинг таъмирталаб енгил автомобилларни чап қўлдаёқ гижинглаган тойга дўндириш борасидаги "ноёб" қобилияти Хоразмда ўн йилча муқаддам намоён бўлди ва у ўз фаолиятини эндигина таъмирдан чиққан "Жигули"ни пуллашдан бошлади. 1992 йили "ўз қўли билан" пишиқ-пухта "таъмирлаган" автомобилни таниши — гурланлик Алексей Лига 420 минг сўмга сотди. Шошилманг, "сотди" сўзи жиндаккина изоҳга муҳтож. Гап шундаки, харид учун келишилган 420 минг сўм нақд саналди, бироқ машинанинг ўзи насия қолди. Икромбой уни янги эгасига яқин кунлар ичида ўз қўли билан элтиб топширадиган бўлди. Минг афсус. У айтган "яқин кунлар" то ҳануз етиб келмади. Аслида йўқ машинанинг пулини эса "сотувчи уста"нинг жиғилдони аллақачонлар ҳазм қилиб юборгани аниқ.

Хуллас, 420 мингни ҳазм этиш учун нақ 8 йил керак бўлди. Тўғри-да, бунча пул ўз-ўзидан ҳазм бўлмайди. Бунинг учун кутмоқ, пойламоқ, пул эгасининг тавалло-тазарруси-ю, қийноқ-қистовлари, ғовға-жанжалларига тоб ва чап бериб юрмоқ зарур. Яна бир гап: пок виждон ҳаром-харишни ҳазм этолмайди, бировлар ҳақидан ҳазар қилади. Моғор виждонли кимсаларнинг эса йўли бўлак. Улар бугун бировнинг ҳалол ризқини кўзлашса, эртага иккинчисининг, индинга эса учинчисининг насибасини ўмариш пайида бўлишади. Икромбой ана шулар тоифасидаги фирибгар.

У фирибни ишга солиб, Алексей аканинг 420 минг сўмини ўмаргач, узоқ пойлади. Пул эгасининг анча-мунча даъво-жанжалларига дош берди. Ғавғолар бироз тинчигач эса нафси яна ҳакалак отди.

Бу воқеа 2000 йили рўй берди. Нукус шаҳридаги Оқчўлпон кўчасининг 1-уйида яшовчи Гулсанам Холмуродова 16 феврал куни Икромбойнинг "ҳалоллиги, камтаринкамсуқумлиги"га тан берган кўйи ўзининг "23 В 75-76" давлат рақамли "Нексия" машинасини таъмирлатиш учун унга кўшқўллаб тутқазди. Томонлар машинанинг таъмир нархини 250 минг сўм қилиб белгилашди. Бу пул битимга эришилгани ҳамон Икромнинг чўнтагига тушди. Қандай яхши-я! Бир сониянинг ўзида 250 минг сўм чўнтакка киргани етмагандек, яп-янги (машина 1999 йили ишлаб чиқарилган) "Нексия" ҳам қўлига қўнса. Ҳам пул, ҳам машинани қўлга киритган "уста" таъмирга шошилмади. Машина эгасини бир неча ой мобайнида авраб, лақиллатиб юрди, ана тузалди, мана тузалди қабилидаги қоп-қоп ваъдалар ёмон қовуннинг уруғи мисол кўпайди. Ниҳоят... Гулсанамнинг сабр косаси лиммо-лим тўлган чоғи пул ҳам, машина ҳам йўққа чиқди.

— Тузатишнинг имкони бўлмади, шу боис бўлаклаб, сотиб юбордим, пулини келтиришгани заҳоти, ўзим сизга етказаман, — деди у машина эгасига бўлар гапни айтиш палласи етганида. Бу пайтда машина чиндан ҳам сотилган; 2 миллион 631 минг сўм пул эса аллақачон "уста"нинг "луқмаи ҳалоли"га айланиб бўлганди.

Аюҳаннодан наф йўқ. Гулсанам тақдирга тан беришдан ўзга илож тополмади. Машина бўлмаса, пули бор-ку, дея дилига таскин берди. Йўқ. Унинг бу умиди ҳам саробга айланди. Машина ортидан унинг пули ҳам "қулоғини ушлаганча" дом-дараксиз кетди.

Гулсанам-ку машина доғида қон ютганча адои тамом бўлиб юраверсин. Гапни энди Хива тарафлардан эшитинг. Бу орада тақдир ана шу туманнинг Б.Нуруллаев номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Сафарбой Қуриёзовни ҳам Гурланнинг ўша "машҳур устаси"га рўпара этди. Икромбой Сафарбойнинг "Дамас" русумли автомашинасини "таъмирлаб" берадиган бўлди. Машина эгаси бунинг учун "уста"га олдиндан 165 минг сўмни куртдай санаб берди. Бу ҳам 2000 йил воқеаси. Аммо юқоридаги фириб ўйинидан бир муддат кеч, июн ойида бўлган ҳангома. Бунгача қинғирликнинг бир неча кўчаларига кириб, баридан омон чиққан, шу аснода туманнинг манаман деган фирибгарларидан бирига айланган, бу йўлда ҳатто шайтонга ҳам устозлик қилиш мақомига етишган "уста Икром" учун галдаги фитна-найранг чўт эмасди. Галдаги шум ниятини дилига жойлаган "уста" орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, хивалик мижозининг "Дамас"ини ҳам беистиҳола 723 минг сўмга пуллаб, "ҳазм қилиб" юборади. Бироқ...

Ҳар нарсанинг ниҳояси бор. Одамлар бирини билмаса, биридан хабар топишади.

Шундай кунларнинг бирида Икромбойнинг ҳам қилмишлари фош бўлди. "Уста" ўз устомонлигининг жамики оқибатларини ўшанда англади.

Тегишли маҳкамага даставвал нукуслик Г.Холмуродова, пировардида хивалик С.Қуриёзов ва гурланлик А.Ли ҳам мурожаат қилишган эди.

Судда "уста"нинг жамики кирдикорлари очилди. Айбни инкор этиш учун эса деярли имкон топилмади. Тилсиз-забонсиз гувоҳлар "Нексия" ва "Дамас"нинг яроқсизлик боис "уста"нинг уйида сотилмай қолиб кетган айрим мурувватлари; чунончи, рақами машина эгалари қўлидаги "Техник паспорт"ларга ҳам битилгани фош этди. Икром Собиров ана шу тилсиз гувоҳлар олдида мум тишлади. Бор гапни очиқ айтишга мажбур бўлди.

Суд Гурланда содир бўлган фирибгарлик ва лўттибозликларнинг барини "тарозу"га солди. "Уста" Жиноят Кодексининг 168-моддаси 4-қисми билан айбланди ва бир неча йиллар мобайнида темир панжара ортида "ҳордиқ" чиқарадиган бўлди.

**Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти**

## *Оталар дейдики:*

***Ўзингдан ожизларга раҳм билан, ўзинг билан тенгларга инсоф билан, ўзингдан устунларга ақл билан боқ!***

* * *

***Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-ахлоқи бўлмаган одамни етим дегин.***

* * *

***Эй фарзанд! Бу дунё корхонасида шундай йўл тутгинки, кийган либосинг, еган луқманг ҳалолдан бўлсин!***

* * *

***Бадмаст кўрмасдан босган тиконнинг заҳрини сезмагани сингари нодон ҳам ҳеч қачон нодонлигидан нолимайди.***

* * *

***Тил бамисли қафасдаги шер, унга эрк берсангиз бошингни ейди.***

* * *

***Сенга ўзгалар ҳақида ғийбат қилган кимса билгилки, сени ҳам бошқаларга ғийбат қилади.***

*— Жоним қизим, қайт бу йўлдан, — дея ёлворди ота.*
*— Йўқ, сенга оғирлигим тушмаяпти-ку! — деб жавоб қилди қизгина.*
*— Қайтгин болам, сенинг оилага келтирган доғларинг кўйида онаизоринг орқасига қараб кетди-я. Қайтгин, қизим, қайтгин.*
*— Қайтмайман, қайтмайман, бўлдими!*
*Ота қўлидаги пичоқ унинг бўйидан баланд кўтарилганича бир ялтираб кетди-ю...*

*Тубанлик касри*

# ЭҲ, ҚИЗГИНА, ҚИЗГИНА...

Қошлари қора, шаҳло кўз Бахтигул туппа-тузук оиланинг кенжатой, айни пайтда эркатой қизи эди. Қомат ҳам, аёлларга хос нафислик ҳам, чирой ҳам бинойи эди. Балки берилган шу инъомлар унинг бошига етдимикан? Балки бошқа бир сабаб бордир?!. Бу ёғи бизга қоронғу...

Бахтигул балоғат ёшига етганда, тенгдошлари орасида қипқизил атиргул каби бир қарашда ҳар қандай йигитнинг юрагига чўғ ташлаб ўтадиган даражада сулув, бир оиланинг ҳавас қиладиган кўркам бекаси бўладиган эди-я...

Кўни-қўшниларнинг кўзига ташланиб қолган қизалоққа у ёқбу ёқдан келаётган совчиларнинг кети узилмасди. Полвон отанинг дарвозасини тақиллатаётган совчилар Бахтигулни келин қилишни орзу қилишарди. Афсус, орзулар орзулигича, ҳаваслар ҳаваслигича қолиб кетди.

Балоғат ёшига етган қизалоқ қўшни туман — Сариосиёдан дугона топди. Деновдан қатнайдиган Бахтигул ўз дугонаси бўлмиш Ҳилоланинг уйида кунора меҳмондорчиликка келиб-кетадиган одат чиқарди.

— Қаёққа бораяпсан, қизим — дея суриштирган бўлди онаси бир куни.

— Сариосиёдаги дугонам Ҳилоланикига бораману қайтаман, — деб жавоб қилди Бахтигул.

— Негадир кейинги пайтда кўнглим ғашланиб қолган қизим, ҳадеб дугонангникига бораверасанми? — деб дили нотинч зорланди онаизор.

— Намунча ташвишланмасангиз, осмон узилиб ерга тушармиди? Дугонамникига бораману қайтаман, дедим-ку!

Онаизорнинг ташвишларини, гумонларини бир оғиз иддао билан ерга кўмган Бахтигул эшик томон йўл олди. Байна опа қизининг силтаб ташлаганидан зорланиб, барча аламларини ичига ютган бўлди... Онаизор нима қилсин, кенжа қизим, сулув қизим, деб силабсийпалаб, кўлини совуқ сувга урдирмай, сочларини бир-бир эринмай майдаланб ўрганича ўстирдида...

Бахтигулнинг дугонаси бўлмиш Ҳилола эса бошқа бир муҳитда, ўзга одатлар гирдобига тушган оилада вояга етган. Отаси йўқ хонадонга тез-тез нотаниш "меҳмонлар" келиб кетарди. Енгилоёқ жувонлар ҳам бу ҳовлига серқатнов бўлиб қолишган. Ҳилоланинг онаси эса кунаро кети узилмайдиган "меҳмонлар"нинг хизматини бажариб, қўшмачиликни касб қилган эди. Балоғат ёшидаги сулув қизнинг кўркамлиги ҳам қўшмачининг назаридан четда қолмаган эди...

Бахтигулнинг сулувлиги ҳийлаю, найрангларга бой дунёнинг аччиқ қисматлари томон бошлаб бораётганлигини у қаёқдан билсин. Дугонаси бўлмиш Ҳилолалар хонадонида унинг онаси асал каби ширин жодулари билан уни аллақачон авраб бўлганди. Ва... Бахтигул энди бу ҳовлида бир неча кунлаб қолиб кетадиган одат чиқарди. Ичиш, чекиш, энг ёмони, тўшакка бегона эркаклар билан ётишга ўрганиб қолганди.

Онаизорнинг кўнгли қизининг юриш-туриши кейинги пайтда бирданига ўзгариб қолганлигини сезиб турарди. Бахтигул одатдагидек, яна йўлга отланганда Байна опа чидаб туролмади:

— Қизим, юриш-туришинг ўзгариб қолди. Хавотирдан кечалари ухлолмайман. Кўнглим нимагадир ғаш. Қўй, борма ўша дугонангникига. Кенжамсан, уйда бирпас ўтириб ҳасратлашиб олайлик. Совчиларнинг ҳам кети узилмаяпти. Бирон-бир яхши хонадонга сени узатсам, бу дунёдан беармон кетардим.

— Намунча зорланасиз. Совчиларнинг жавобини бериб юборинг. Мен бошқасини танлаганман. Агар билсангиз, эрим ҳам бор. Бўлдими-а? Яна нима дейсиз? — дея онасини зор қақшатганича дугонасиникига куш каби учиб келди. Яна базму жамшид, тўкин дастурхон. Қадаҳларга қуйилган шароб. Маза-бемаза тилаклар. Сўнг тубанлик... Ҳар қандай маишатнинг бир кулфати бўлади. Энди орага "героин" бўлмиш заҳри қотил қўшилди. Бахтигул аввал унинг таъмини бир татиб кўрди. Сўнг қистовлар билан яна татиб кўрди, кейин яна, яна... Кайфнинг гирдоби уни ўз бағрига олиб, тобора домига тортиб кетаверди, кетаверди. Бахтигул гирдоб ичида айланаверди, айланаверди...

Деновдаги бир маҳаллада эса қизининг оила шаънига келтираётган миш-мишлардан бош кўтаролмаган онаизор зор қақшаган кўйи барча гуноҳлардан ўтишни сўраб, кун бўйи сажда қиларди. Охир-оқибат у суюқоёқ қизининг дастидан тўшакка михланиб қолди.

Онаизор кўп ҳам ётмади...

Бахтигул бу орада ҳомиладор бўлди. Фарзанд ҳам кўрди. Лекин... гўдак жонсиз эди... Кўп ўтмай у "героин" сотаётганда қўлга тушди. Қамалди ҳам. Аммо панжара ортидаги ҳаёт, у ерда кўрган-кечирганларидан сабоқ чиқариб олмади. Ёшлигидан енгилоёқ бўлиб қолган Бахтигул қамоқдан чиқиб, бошини урганича, ўзи туғилган хонадонга келди. Уч йиллик айриликдан сўнг ҳувиллаб қолган ҳовлида ёлғизликнинг аччиқ қисматларини кўтарганича мункайиб қолган Полвон ота жигарбандини кўриб, хурсанд бўлди. Нима қилсин, ҳар нарса бўлса ҳам қизи-да.

— Кел, қизим, бу йўлдан қайт. Майли барчасини кечираман. Менинг ҳам умрим ўтиб бўлди. Сени бу йўлдан қайтараман, деб онанг кўз тикканча ўлиб кетди. Энди тинчгина яшайлик, — дея насиҳат қилди ота.

Бошида бу насиҳатлар Бахтигулга маъқул тушгандай бўлди. Аммо... Йўқ, бўлмади. Орадан бир неча кун ўтгач, у яна сафарга отланди:

— Жон қизим, ёлғизгинам, қайт. Борма ўша ёқларга, — деб ёлворди ота.

— Бораман, бормасам бўлмайди. Сиз билмайсиз, суякларнинг қақшаб оғришини. Кетаман!

— Қолгин болам, кетма. Ҳеч бўлмаса, кекса отангни ўйла, болам!

— Бўлмайди. Кетаман. Хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам кетаман!

— Охирги бор илтижо қиламан, қизим, бу йўлдан қайтгин, қизима, қизи-мм! — дея ота унсиз йиғлаб юборди. Унинг кўз ёшлари жимгина, товушсиз тизиллаб оққанича ерга томчиларди. Бу дунёда эркакнинг қадди дол бўлиб, йиғламасин экан. Эркакнинг йиғлаши оғир. Эркак йиғласа дунё йиғлайди. Тошлар эрийди. Тобутлар йиғлайди...

— Кетаман!

...Ҳовли дарвозаси томон йўл олган Бахтигулнинг елкасига зарб билан урилган пичоқ тиғи унинг юраги уришига нуқта қўйган эди. Гўё ўз оиласига келтирилган қора доғлар, бу дунёнинг жамики аламситамларини жамлаб санчилган эди пичоқ тиғи...

Суд бўлди. Ўз қизи қотилига айланган ота бир муддат қамоқда ҳам ўтирди. Йўқ, Полвон отанинг аламлари, армонлари эътибордан четда қолмади. Ота озодликдан маҳрум этилмади.

Ҳаёт эса ўз йўлида янада шитоб билан давом этарди.

**Ўз мухбиримиз**

# ВАТАНГА ХИЁНАТ

## У ҚАЕРДА, КИМ ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛМАСИН, БАРИБИР КЕЧИРИЛМАСДИР

*(Боши учинчи бетда)*

бардоши етмаган ёш йигитлар отиб ташланарди. Бу ерда одамнинг йўлда машина босиб кетган қурбақачалик ҳам қадри йўқ эди. Жангарилар лагерида ўқитилиб тайёрланганларни қурол-яроғлар билан таъминлашни Т.Йўлдошев ҳамда Ж.Ҳожиевлар ўз зиммаларига олишганди.

### ҚАБИҲ РЕЖА

Ватангадо ва юртфурушлар олдида яширин йўллар орқали Ўзбекистон ҳудудига қурол-яроғлар олиб ўтишдек қабиҳ иш турарди. Ана шу нопок мақсадда Тожикистондаги "жангари мужоҳидлар" лагери бошлиғи Жума Ҳожиев ҳузуридан қайтган кўпорувчи манқуртлар ўзлари билан Намангоний "ҳадяси" бўлган етти дона "АК-74" жанговар қуролни Қирғизистоннинг Зардоли қишлоғига олиб келишди.

Бу пайтга келиб ҳуқуқ-тартибот, хавфсизлик идоралари ходимлари уларнинг изига тушишганди. Ўз навбатида жангариларни уларнинг Ўзбекистондаги гумашталари қуролларни зудлик билан ишончлироқ жойга яшириш кераклиги ҳақида хабар бериб, огоҳлантиргандилар. Ўқотар қуролларни бекитишда уларга Зардоли қишлоғилик Аким Шаропов кўмаклашди. Бу хизмати учун яхшигина "сийланган" Аким жангариларни ўз уйида меҳмон қилади. Кейинчалик ўша 7 дона "АК-74" қуроли Боткент вилоятидаги Ровут-Ковут қишлоғига яширилди. Ўзлари эса киши билмас тарзда Сўх тумани орқали мамлакатимиз ҳудудига кириб олишади. М.Холиқназаров уларни ўз машинасида яширин йўллар орқали Андижонга элтиб қўяди. Кейинчалик Р.Охунов Боткентнинг Ровут-Ковут қишлоғидаги А.Шариповнинг уйига яшириб қўйилган қуролларни Ўзбекистон ҳудудига олиб ўтиш ҳақида "доҳийлари"дан кўрсатма олади. Ушбу қабиҳ режани амалга оширишга жиноий уюшманинг аъзоси, қўқонлик Я.Ўринбоев, М.Маматқуловлар ҳам жалб этилади. Улар бу ғараз, қабиҳ мақсадларини Улуғбек Юсуфбековга тегишли бўлган "Мерседесс Бенц" русумли машинада амалга оширмоқчи бўлдилар. Улар из қолдирмаслик, бир йўлдан икки марта юрмаслик мақсадида Қўқон-Исфара йўли орқали Боткенга етиб келишади. Божхона назоратидан ҳоли йўллар орқали айланиб илдам елаётган "Мерседесс Бенц" мамлакатимиз ҳудудига хатарсиз кириб олади. "АК-74"нинг бир донасини Р.Охуновнинг ўзи олиб қолади. Қолган учта автоматни Улуғбек Юсуфбеков ўзи яшайдиган Охунбобоев туманининг Қашқар қишлоғидаги уйига келтириб яширади. Қачонки У.Юсуфбековнинг ниқоби йиртилиб, жиноий башараси фош бўлгач, Улуғбекнинг ҳаммаслаги Б.Раҳимов уч дона ўқотар қуролни унинг уйидан олиб кетиб, ўз уйига бекитади. Аммо тарафдорлари, гумашталари томонидан қанчалик қўллаб-қувватланмасин, қабиҳ ниятлиларнинг ниқоблари йиртилиб, асл башаралари очилиб қолди. Махсус хизмат ва ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинган Б.Раҳимов яшаётган уйнинг поли тагига бекитилган ўқотар қуроллар топиб олинди.

2001 йилнинг 30 июлида жиноий ишлар бўйича Фарғона вилоят судининг очиқ суд мажлисида мазкур уюшган жиноий гуруҳ иши кўриб чиқилди. Унда номлари юқорида зикр этилган олти нафар кимсага қилмишларига яраша жазо белгиланди.

### "ЗАРПЕЧАКЛАР" ЮЛИБ ТАШЛАНДИ

Зарпечак деган ўтни яхши биларсиз. Бу зараркунанда ўт чирмовуқ сингари экинларнинг поясига ўралиб, чирмашиб ўсади. Зарпечакнинг зарҳал туси бўлса-да, илдизи бўлмайди. Гўё уни кимдир осмондан ташлаб, моҳир қўллари билан экинзорингиздаги зироатларнинг поясига ўраб, чирмаб кетгандек, мустаҳкам ўрнашиб олган бўлади. Асосан ўзи чирмашиб, ўралиб олган экинларнинг танасидаги моддалардан озиқланади, зарпечакка кўз тушган заҳоти юлиб олиб, куйдириб ташланмаса, у тез орада буткул экинзорни сап-сариқ офатдек қоплаб олади ва зироатингизга қирон келтиради. Мақоламизда номлари зикр этилган юртфурушлар ҳам бамисли ўша зарпечак эди. Улар ҳам тор-мор этилгунча қанчадан-қанча ота-оналарнинг не-не орзу-умидлари билан ўстираётган фарзандларини йўлдан уриб, юрт ғанимларига айлантириш пайида бўлишди. Лекин улар ўзларининг нопок мақсад-муддаоларига етолмади.

Дунё яралгандан буён инсоният эзгу мақсадлар сари интилиб яшайди. Инсониятни комиллик сари тарбиялашда аждодлар ўгити билан бир қаторда муқаддас Ислом динининг ҳам беқиёс ўрни бор. Бироқ муаззам динимиздан ўзларининг чиркин мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлганлар шаксиз шарманда бўлади.

Зеро, бу ҳақиқат аллақачон ўз исботини топган. Ҳозирги кунда бутун тараққийпарвар инсоният Ислом динини ниқоб қилиб олган терроризм балосига қарши якдиллик билан кураш олиб бормоқда.

Бу кураш эзгуликнинг ғалабаси билан тугаши муқаррар.

**Эрдавлат ОДИЛОВ,**
**журналист,**
**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**"Инсон ва қонун"нинг**
**махсус мухбири**

*Тақдир ҳазиллари*

# ЖАЗОГА МУСТАҲИҚ ЭТИЛГАН... ЖОНИВОРЛАР

***Тарихда фақат одамлар эмас, ҳайвонлар ҳам жиноятлари учун жазоланган.***

* * *

***864 йили Олмонияда одамни чақиб ўлдиргани учун бир уя асалари тутун билан бўғиб ҳалок қилинган.***

* * *

***1314 йили Франциянинг Мойси қишлоғида бир кишини сузиб қорнини ёрган ҳўкиз дорга осилган.***

* * *

***1474 йили Швейцариянинг Базел шаҳрида тухум ўғирлаган хўроз ҳибс қилинган.***

* * *

***1494 йили бир гўдакнинг ўлимида айбдор саналган тўнғиз осишга ҳукм қилинган.***

* * *

***1712 йили австралиялик амалдорни тишлаб олгани учун кўппакни қутига ҳибс қилишган. Фақат итнинг бўйни ва олд оёқлари учун тешик қолдирилган.***

* * *

***1864 йили Словенияда бир қизалоқнинг қулоғини тишлаб олган тўнғиз ўлимга ҳукм қилинган. Тўнғиз эгаси эса қиз улғайиб, қаллиқ топишда қийналмаслиги учун сеп тайёрлаб беришга мажбур этилган.***

Сурат биздан, изоҳ сиздан!

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***Белигача сочини ўстириб олган йигит навбатда турибди. Бир кампир сўраяпти:***
***— Яхши қиз, ҳой яхши қиз! Кети сенми?***
***— Мен қиз эмасман!***
***— Вой, ўлақол! Шу билан ҳам мақтанасанми?***

* * *

***Дўконга бир йигит билан қиз киради:***
***— Гўштли сомса борми? — сўрайди йигит.***
***— Бор.***
***— Гуручлик сомса-чи?***
***— Бор.***
***— Нўхотлик сомса-чи?***
***— Бор.***
***— Вермишиллик сомса борми?***
***— Йўқ.***
***Йигит қизга:***
***— Ана, кўрдингми? Сомса йўқ экан.***

* * *

***Эр туғруқхонага қўнғироқ қилса, "хотинингиз туғолмай қазо қилди" дейишибди. Эр туғруқхонага етиб келибди. Ҳамшира ундан узр сўрабди.***
***— Кечирасиз, биздан хато ўтибди. Хотинингиз эгизак туғди.***
***— Бунақаси кетмайди! Бир сўзда туринг-да. Ўлдими — бўлди.***

1996 йилнинг январидан нашр этилади
**ИНСОН ва ҚОНУН**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

**Бош муҳаррир**
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Ислом ҲАМРО
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

**Индекс: 646882**
**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Навбатчи:
**Т. ҲАСАНБОЕВ**
Саҳифаловчи:
**Жаъфар ЖАББОРОВ**
Компьютер оператори:
**М. ДЎСТОВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700047,**
**Тошкент шаҳри,**
**Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 132-14-18**
**(умумий бўлим),**
**133-70-65**

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.